



Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддаси.*

**ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN**

# Хабар

**3**  
(748)-son

19-yanvar

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

**2007**

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

## Рулдамсиз?

Қўл

телефонингизни

ўчириг!



Дунёнинг 77 мамлакатида автотранспорт воситасини бошқариш пайтида уяли алоқа воситасидан фойдаланишни тақиқловчи қонунлар қабул қилингани бежиз эмас. Масалан, бундай ҳуқуқбузарлик учун Францияда — 50-70 АҚШ доллари, Америкада — 150, Португалия, Россия ва Германияда ҳам бундан кам бўлмаган миқдорда жарима солинади. Энг кўп жарима — Полшададир. Бу мамлакатда жарима миқдори — 1200 долларни ташкил этади. Албатта, бундай қатъий чораларнинг қўлланилиши замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётини, соғлигини сақлаш, мол-мулкни асраб-авайлаш туради.

**4-БЕТ** ➔

### Ушбу сонда:

**ИШОНЧ  
САРМОЯСИ**

**3-БЕТ** ➔

**УСЛУГИ ТШТТ  
ДОСТУПНЫ ЗА  
WEBMONEY**

**6-БЕТ** ➔

**АЛПОМИШ-  
НИНГ АЛОҚА-  
ЧИЛАРИ**

**11-БЕТ** ➔

**ҚЎШНИНИНГ  
ҲАҚҚИ**

**13-БЕТ** ➔

**ФИТНА  
ҚУРБОНИГА  
АЙЛАНГАН  
ИМПЕРАТОР**

**16-БЕТ** ➔



**Интернет  
ҳамкорларимиз**

**UzNet**

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети



## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари мустақиллигининг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни ҳар қандай тожовулардан ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуроли Кучларимизнинг 15 йиллиги кенг нишонланди.**

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Унда, жумадан, шундай дейилади:

"Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган қудратли Қуроли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлигини ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади."



Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов иштирок этди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида** биноан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳи "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артисти", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонлари, "Меҳнат шўхрати", II даражали "Шон-шарф" ва "Дўстлик" ордени, "Жасорат" ҳамда "Шўхрат" медалари билан мукофотландилар.

✓ **Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри Ислам маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилинганлиги мамлакатимиз дунё миқёсида қанчалик ҳурмат ва эътиборга эга эканлигини яна бир бор намойён этди. Шу муносабат билан бир қатор мамлакатларнинг жамоат ва давлат арбоблари Юртбошимизга табрик хатлари йўлашмоқда. Жумладан, Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмайддин Эҳсон ўғли ҳамда Маданиятлар ва цивилизациялараро мулоқот халқаро институти директори, Эрон Ислам Республикасининг собиқ президенти Сайид Муҳаммад Ҳотамийлардан табрик хатлари келди.**



✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Геология-қидирув Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди. Унда геология тармоғини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган.**

✓ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

Республика нефть-газ тармоғи учун олий маълумотли малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилаётган мазкур университетга 2007/2008 ўқув йилидан бошлаб талабалар қабул қилинади.



## Йил яқунларига бағишланди

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**Ҳисобот даврида** соҳа корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотлари чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлашга ҳамда иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизматлар турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Ўтган йили соҳа корхоналари томонидан 622,55 миллиард сўмлик (2005 йилдаги нисбатан 155,6 фоиз ўсиш), шу жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 584,1 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасида 38,45 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

Ҳисобот даврида соҳага 133,34 миллион АҚШ доллари (режага нисбатан 127,6 фоиз) миқдоридан хориж инвестицияси киритилди ва ушбу маблағнинг қарийб 80 фоизи — 104,1 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри жалб этилган инвестицияни ташкил этди.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар туфайли ҳисобот даврида Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,7 миллион

Ўтган ҳафтада "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компаниянинг бошқарув ашарати ва филиалларига раҳбар-кадрлар тайинлаш масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишни "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши раиси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов олиб борди.

## Навбатдан ташқари йиғилиш

Йиғилишда шу пайтгача "ТШТ" филиали директори вазифасида ишлаб келган Асрор Эшонхўжаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексига ишга ўтганлиги маълум қилинди. Шу муносабат билан "ТШТ" филиали директори вазифасига "Тошкент Телеком" филиалини бошқариб келган Абдурашид Абдурахмонов таъинланди.

Шунингдек, кенгаш қарори билан "Тошкент Телеком" филиали директори вазифасига шу вақтга қадар "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб келган Равайнбек Жўраевич Сулаймонов таъинланди.

"Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари вазифасига эса «Наманган Телеком» филиали директори вазифасида ишлаган Баҳодир Ҳамидуллаевич Нурматов таъинланди. Йиғилиш яқунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов компания жамоасини Кузатув кенгашининг кадрлар масаласи бўйича қарорлари билан таништирди ва масъулиятли лавозимларга таъинланган раҳбарларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилди.

Ўз мухбиримиз

GAZETADA BOSILMASA HAM...

## Телефон ишлаши таъминланди

**Тахририятимизга** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулжаний кўчаси, 7-уй, 55-хонадонда истиқомат қилувчи Х.Тўхтаевдан уй телефони ишламаётгани ҳақида шикоят хати келган эди. Биз ушбу шикоят юзасидан "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали раҳбариятига мурожаат қилган эдик. Яқинда "ТШТ" филиали Чилонзор телефон боғламаси бошлиғи В.ТАҒАЕВ имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

"Сизнинг 2007 йил 12 январдаги 12-сонли хатингиз атрофлича ўрганиб чиқилди.

Жойига чиқиб, таксимловчи шакф, плитинг ва абонент аппаратида бўлган телефон сими текширилди. Носозлик ва кўшимча уланишлар аниқланмади. Мижознинг теле-

фон рақами уланган кабел иншоотлари техник меъёр талабига жавоб беради. Текшириш натижасида, ушбу йўналишга хизмат кўрсатаётган магистрал кабелда носозлик бўлганлиги туфайли телефон ишламаганлиги аниқланди. Кўрилган чора-тадбирларга асосан носозлик бартараф этилиб, телефон ишлаши таъминланди.

Мижоз хонадонда сертификатланмаган "Русь" (АОН) русумли телефон аппарати ўрнатилган. Мижозга сертификатга эга бўлган телефон аппарати ишлаштириш лозимлиги тушунирилди ва сертификатланмаган телефон аппаратини (АОН) алмаштириш таклиф этилди."



● INVESTITSIYA — TARAQQIYOT QANOTI

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими инвестиция имкониятларидан кўп фойдаланилаётган соҳалардан ҳисобланади. Ундаги ислохотларнинг туб моҳияти хорижий сармоядорлар кўмагида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникациялар воситаларини жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оммавий равишда жорий этиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманда бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир.

Япония, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик вилоятимиз учун ҳам самарали бўлаётир. Биргина JBC лойиҳаси асосида Андижонда 273 километр масофага оптик-толали кабел ётқизиблиб, барча туман марказлари ва шаҳарлари вилоят маркази билан боғланганлиги алоқа хизмати сифатини кескин оширди.

Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки томонидан Ўзбекистонга 9410000 АҚШ доллари, шу жумладан, Андижон вилояти учун ажратилган 1552403 долларли кредити ўтган 2006 йилнинг ўзида қанчалик катта аҳамият касб этганлигини андижонликлар чуқур ҳис этдилар. "Huawei" компанияси билан ҳамкорликдаги ишлар вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги АТС-ларни рақамли электрон АТС-ларга тўла алмаштириш имконини берди. 50000дан ортиқ мижозга мўлжалланган янги автомат телефон станциялари, 2300 каналга эга АМТСлар фантехника ривожининг намойишига айланди.

Эски русумли телефон станциялари кўп қаватли улкан биналарга жойлашган бўлиб, айрим жойларда бинонинг ичи ҳатто болалар футбол майдончасига тенг келадиган даражада эди. Собиқ Иттифоқ даврида катта майдон талаб қиладиган бундай телефон станциялари замон талабларига жавоб бермаसा ҳам кўп қурилди. Москванинг руҳсатсиз ҳеч қандай хорижий мамлакатлар билан алоқа қила олмаслик мустақиллик йилларигача давом этди.

Бугун эса истиқлол хорижий мамлакатлар билан истаганча тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти эшикларини катта очиб берганлиги

# Ишонч сармояси

билан кадрлидир.

Масалан, юқорида айтилган Хитой инвестицияси ҳисобида қурилган янги станциялар ниҳоятда кам жойни эгаллайди. Катта залларни тўлдириб турадиган юзлаб металл жавонлар ўрнига атиги 5та ёки бта жавон алоқа функцияларини бекаму кўст бажара олади. Боғланиш тезлиги ортганлиги, ўнлаб қўшимча хизматларга лаёқатлиги, энг муҳими, фуқароларнинг телефонга бўлган эҳтиёжини кенг кўламда қондира олишлиги билан ажралиб туради.

Хорижий инвесторлардан биринчи бўлиб ҳамкорлик қўлини чўзганлардан бири Жанубий Корея мамлақати бўлганлигини таъкидлаш лозим. "DAEWOO" компаниясининг 10000 нўқтали рақамли телефон станцияси 1996 йил 23 август куни ишга туширилганди. 22, 24, 35-АТСлар, Асака, Хонобод ва Корасув шаҳарларидаги электрон АТСлар янги сөрвис-хизматлар билан халқимизга хизмат қила бошлади.

Хуллас, ўтган йилда телефон алоқасини рақамлаштириш жараёни Хитой инвестицияси ҳисобидан кўп қисман қондирилди.

**Бошқача айтганда, бу ишонч сармоясидир. Унинг ортида эса мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро ҳамжамиятда тобора кўтарилиб бораётган обрў-эътибори турибди.**



бига қисқа муддатларда поёнига етказилди. Бу уяли алоқа, факсимил алоқа, электрон почта ва Интернет алоқаси ҳаётининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Бунда махсус билимга эга бўлган кўплаб маҳаллий мутахассисларимиз меҳнатсеварликлари ва тиришчиликларини билан хорижий ҳамкорларни қувонтирдилар. Қимматбаҳо жиҳозларни монтажга тайёрлаш, жойлаштириш ва монтаж ишларини амалга оширишда Аҳмадилло Ҳошимов, Улуғбек Мамадалиев, Мирзаараб Марипов, Баҳодир Расулов, Шерзод Мирзаэхмедов, Олимжон Ҳабибуллаев ва бошқалар

алоҳида ибрат кўрсатдилар.

Корхона энергетиклари Муҳаммадкарим Иминжонов, Қодиржон Ҳўжамқулов, оддий монёрлардан Толибжон Мадодимовлар аккумулятор батерейалари, тўрилагичлар ва таъминлаш чизмаларининг техник талабларга мувофиқлигини синовдан ўтказиб бердилар.

Хориж технологиялари улкан биналарнинг юқини бир неча юз тоннага енгиллатди. Ишчи-хизматчиларнинг иш шароитлари кескин даражада яхшиланди. Чиройли таъмирланган ихчам

аҳолига компьютер ва Интернет хизматлари кўрсатиш ҳажминини ошириш эвазига ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Бу жойларга биринчи ўринда тармоқнинг собиқ ишчи-хизматчилари таклиф этилмоқда. Мамлакатимизда 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинганлиги алоқачиларнинг бу соҳадаги фаолиятини мазмунан бойитишига шубҳа йўқ. Чунки, ҳозирнинг ўзида Ижтимоий ҳимоя йили дастурлари билан боғлиқ бир қанча тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутиляпти.

Биз корхонада бўлганимизда хорижий инвестиция имкониятлари алоқачиларнинг масъулиятини бирдек ошириб турганлигини, талабчанлик кучайиб бораётганлигини ўтказилаётган тезкор йиғилишлар, буйруқлар, қарорлар, тадбирлар орқали ҳис этдик. Шундай бўлиши ҳам керак, албатта. Чунки, хорижликлар андижонликларга ишониб, бир талай сармояни ҳамкорлик ишига тикканлар. Бошқача айтганда, бу ишонч сармоясидир. Унинг ортида эса мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро ҳамжамиятда тобора кўтарилиб бораётган обрў-эътибори турибди. Юртига муҳаббат қўйган, мамлақати ривожини орзулаган ҳар бир инсон бу жараёни онгли равишда ҳис этиб, алоқа тараққиётини кўллаб-қувватлайди.

"Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури"га кўра вилоятимизда телефон тармоғининг ҳажмини 317 минг рақамга етказиши, шаҳарларда ва халқаро алоқа тармоқлари салмоқларини бир неча баробар ўстириш ва маркетинг хизматини ривожлантириш ҳисобида рақобатбардош телекоммуникациялар тизимини яратиш асосий шiori қилиб олинган. Бунда, шакл-шубҳасиз, 2007 йилда хорижий инвестиция имкониятларидан янада оқилона фойдаланиш, тараққиёт қалити — илгор технологияларнинг кенг қўлланилиши муҳим омил бўлиб қолади.

Андижонлик алоқа ходимларининг ана шу эзгу ниятлари ушалаверсин!

**Маҳмуджон ИБОВ**  
Андижон вилояти

● QAROR VA IJRO

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳур ва озод Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса бўлиб қўшлаётган бўлса, миллий ғоя тарғиботи йўлидаги тадбирлар унинг дунё миқёсида нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан қарийб ўн олти йил муқаддам жойларда ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилиши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Бундан қарангки, янги аср "ғилдираги" бизни жаҳон маънавияти ва маърифати "айвони"га шунчалик яқин қилиб қўйди. Истасак, дақиқа давомида электрон каталог ёки ўз веб-сайтимиз орқали бебаҳо маданий меросларимизни хорижий мухлисларга тақдим этиш ва уларнинг маданий меросидан баҳра олиш имконига эгамиз.

Соҳамиздаги ислохот бошлангунга қадар вилоятимизда 413та кутубхона мав-



жуд эди. Буларнинг барчаси вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфида бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ кутубхоналарининг 389таси вилоят ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси ихтиёрига берилди. Натижада, тизим бўйича 67та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Термиз давлат университетининг кутубхонаси ҳам шундай мақомга эга бўлди. Халқ таълими бўлимларидаги кутубхоналар 15та ахборот-ресурс марказига бириштирилди.

Албатта, ушбу тадбирлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Юқорида таъ-

кидлаб ўтилган ташкилий ишлардан сўнг мавжуд китоб фонди ўрганилди. Бевосита Сурхондарё вилояти ҳокимлиги тасдиқлаган эксперт комиссияси иштирокида 3 миллион нусха китоб дāvрийлик нўқтаи назаридан кўриб чиқилиб, электрон каталогларга жойлаштириш мақсадида ярқўчлилари сараланди.

Табиики, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари йўналиши бўйича кенгайи кироатхоналардан фарқ қилгани каби кутубхоначилар салоҳиятида ҳам тўз ўзгаришлар бўлиши талаб этилади. Уларни аттестациядан ўтказиш чоғи ана шу мезонга қатъий амал қилинди. Айниқса, ходимларнинг замонавий компьютер технологияларини қай даражада билиши алоҳида инобатга олинди. ТАТУнинг

Қарши филиалида малака ошириб қайтган Зухра Раззоқова, Нигора Абраева, Надежда Иванова ҳамда Дипрабо Сатторова каби ходимларимиз маҳорат кўригидан муваффақиятли ўтишди. Ҳозир улар ахборот-кутубхона марказимизга келтирилган 8та компьютерда ишлашмоқда. Яқин вақт ичида яна 10та компьютер оламиз. Таъкидлаш лозимки, ходимларимизнинг замонавий кутубхоначилик ишларини автоматлаштиришни ўрганишларида "ZiyoNET" ахборот тармоғининг амалий ёрдами катта бўляпти.

Илгари китобхоналар аъзолик гувоҳномаси билан ўқиган китобини топшириб, янгисини олишарди. Энди эса улар электрон каталоглар ёрдамида нафақат юртимиз бўйлаб, балки қитъалароша китоб ўқишмоқда. Ўз навбатида, Термизийлардек улғу аҳдоқларимиз асарлари дастурлаштирилган ҳолда узоқ манзилларга узатишмоқда. Уйлайманки, тафаккуримиз оламийлик бу қадар кенгайиб бориши дунё халқлари бирдамлигини ва юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаверади.

**Шайдулла ХОЛИЁРОВ,**  
Сурхондарё вилояти Собир Термизий номидаги ахборот-кутубхона маркази раҳбари



## XALQARO HAYOT

## РОССИЯда

жорий йилнинг 15 январидан бошлаб муҳожирлар масаласи бўйича янги қоидалар кучга кирди.



Унга кўра, энди хорижлик фуқароларнинг мамлакат бозорларида савдо-сотик билан шуғуланишларида маълум чекловлар бўлади. Ҳамдўстлик давлатлари, жумладан, Россияга визасиз кирувчи давлатлар фуқаролари бир ёки уч кун давомида рўйхатдан ўтказилиб, уларга мамлакатда бир йил ишлашлари учун рухсатнома берилади. Аммо бу янгилик ҳозирча визасиз тартиб ҳақида шартнома имзоламаган Грузия ва Туркменистон фуқароларига тақдим этилмайди.

## БАҒДОД-

даги университет биноси ёнида миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида элликдан ортиқ одам вафот этган, юзга яқин киши яраланган. Умуман олганда, бир куннинг ўзида шаҳарда бешта портлаш содир этилган.



БМТ маълумотига кўра, ўтган 2006 йилда бўлиб ўтган маъража ўртасидаги зиддиятлар 452 нафар ироқликнинг умрига зомин бўлган.

**ТУРИН**да Халқаро талабаларнинг спорт уюшмаси (International University Sports Federation — FISU) президенти Георг Е.Киллиан 2011 йилда ўтказиладиган 26-Бутунжаҳон ёзги универсиадаси учун Хитойнинг Шэнчжэн шаҳри танланганини маълум қилди.



INTERNATIONAL  
University Sports

Ушбу ҳуқуқни қўлга киритиш учун Шэнчжэндан ташқари дунёнинг яна тўртта шаҳри — Қозон (Россия), Познан (Польша), Мурсия (Испания), Эрзурум (Туркия) ҳам даъвогар эди. Лекин уюшманинг 22 аъзоси Шэнчжэн номзодини қўллаб-қувватлаган.

Берилган саволларга FISU президенти шундай жавоб берган: "Биз Шэнчжэнга тўла ишонамиз. Бу шаҳар энг замонавий спорт мажмуаларига, масъулиятли ташкилотчилари ва ажойиб режасига эга".

Маълумотларга кўра, Универсиада-нинг 2011 йилда бўлиб ўтадиган қишки ўйинларига Туркиянинг Эрзурум шаҳри мезбонлик қилади.

**ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ**да юк кемаси йўловчи ташувчи кема билан тўқнашиб кетди.

Ушбу фалокат ҳолатида икки экипаж аъзоси ҳалок бўлган. Ўн нафардан ортиқ киши турли даражада жароҳатланган. Тўқнашув пайтида паромда 150 нафарга яқин йўловчи бўлган.

**Бугунги кунда** дунёдаги юз бераётган илм-фан тараққиёти ютуқларидан мамлакатимиз фуқаролари ҳам кундулик турмушларида бемалол фойдаланяптилар. Ахборот технологиялари янгиликлари, Интернет, электрон почта, масофавий таълим каби атамалар одатий тушунчаларга айланиб улгурди. Уяли телефон воситаларидан фойдаланишни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Уч миллионга яқин юрдошларимизнинг ушбу алоқа воситасидан фойдаланишининг ўзи бу мўъжаз дастёрнинг нақадар кенг кулоч ёйганини кўрсатади. Тараққиётнинг ўшани неъматларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятлари, ўз навба-

рима солинади ёки ҳайдовчи суд ҳукми орқали олти ойгача транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

— Қарор 1 январдан кучга кирган бўлса, ўтган икки hafta давомида 800дан ортиқ шундай қоидабузарлик аниқланди, — дейди **Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг бўлиги Зоир САИДАЛИЕВ**. — Халқаро экспертларнинг берган маъ-



## DOLZARB MAVZU

# Рўлдамисиз?

## Қўл телефонингизни ўчиринг!

тида, зиммамизга маълум бурч ва мажбуриятларни ҳам юклаши табиий жараён. Вазирил Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 1 январидан бошлаб транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг уяли телефондан фойдаланишларини тақиқлаш бўйича чиқарилган қарор ҳам аҳолининг юқорида айtilган бурч ва мажбуриятини ифодалайди.

Фикримизни янада ойдинлаштирадиган бўлсак, автоуловни бошқариш вақтида қўл телефондан фойдаланиш қўлдан қўйиш зарур. Сабаби, телефон орқали айtilган оддий хабар ҳам ҳайдовчини чалғитади. Агар у қувончли ёки ташвишли бўлса, ҳайдовчи кўчи ҳаяжонга ёки шок ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Автоҳаракат гажум, бунинг устига тезлик юқори бўлган вақтда ушбу ҳолатнинг нақадар хавфли эканлигини тасаввур қилаверинг. Шу боис, дунёнинг 77 мамлакатда автотранспорт воситасини бошқариш пайтида уяли алоқа воситасидан фойдаланишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган бегиз эмас. Масалан, бундай ҳуқуқбузарлик учун Францияда — 50-70 АҚШ доллари, Америкада — 150, Португалия, Россия ва Германияда ҳам бундан кам бўлмаган миқдорда жарима солинади. Энг кўп жарима — Полшададир. Бу мамлакатда жарима миқдори — 1200 доллари ташкил этади. Албатта, бундай қатъий чораларнинг қўлланилиши замирида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётини, соғлигини сақлаш, мол-мулкни асраб-авайлаш туради.

Президентимиз Ислам Каримов 2006 йилнинг 26 декабрида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни имзолади. Унга кўра, мазкур масалага мамлакатимиз ҳудудида ҳам ҳуқуқий ечим топиш, миллий қонунчилигимизни жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 128-модда билан тўлдирилди. Янги моддада транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланган ҳайдовчиларга энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда жарима солиш белгиланган. Шундай қоидабузарлик жазо чораси қўрилганидан сўнг бир йил давомида тақрирэн содир этилса, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача жа-

лумотига қараганда, ҳаракат давомида телефондан фойдаланган ҳайдовчининг чалғиш ҳолати спиртли ичимлик истеъмол қилган одам ҳолати билан бир хил экан. Демак, бу ўзини ва бошқаларнинг ҳаётини хатарга қўядиган омиллардан биридир. Қонунчилигимизга киритилган ушбу янгилик бўйича аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёмиз. Телевидение ва радио орқали қўллаб чиқишлар қиялғимиз, матбуот ходимлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Айниқса, ҳайдовчилар билан бевосита мулоқотларимиздаги тушунтиришларимиз яхши самара бермоқда.

— **Қоидабузарлик содир этган ҳайдовчини шундай ҳуқуқбузарликни аввал ҳам содир этганлигини қандай аниқлайсизлар? Ёки ҳайдовчилик гувоҳномасига бирор белги қўйилади?**

— Ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳеч қандай белги қўйилмайди. Фақат бундай шахс ҳақидаги барча маълумотлар — исм-шарифи, яшаш манзили, машинасининг русуми ва рақами, қоидабузарликни содир этган вақти ва жойи компьютерга киритилади. Бу борада барча кераклик имкониятларга эгамиз. Бошқармамиз компьютерлар билан етарлича таъминланган. Компьютерларимиз Интернет тизимига уланган.

— **Ҳайдовчилар орасида шундайлар ҳам борки, ҳатто қизил чироқда ўтиб туриб ҳам бу қоидабузарликни тан олмайди. Бундай ҳолат таъкидланаётган масала юзасидан ҳам бўлиб турадими, агар бўлиб турса, қандай чора қўрилади?**

— Тўғри айтдингиз. Светофорнинг қизил чироғида ўтиб тан олмагани каби, телефонда гаплашиб кетаётганини инкор этадиганлар, ишонтириш учун турли қасамлар ичиб юбарадиганлар ҳам бор. Бундай пайтда нима ҳам дердик, ўша инсоннинг виждонига ҳавола қилиб қўяоламиз. Ахир, қонун қабул қилинишидан мақсад фақат жарима ундириш эмас, балки юз бериши мумкин бўлган автоҳалокатларнинг олдини олиш-ку. Ўзини Ўзбекистон фуқаросидан деб билган, бундан фахрланган ҳар бир инсон шу юрт қонунчилигига ҳурмат

билан қараши керак, деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, қилган хатосини тан олиш ёки олмаслик ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Бундан ташқари, ҳар бир автотранспорт орқасидан биттадан қўриқчи тайинлашнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳўш, ушбу қоида юзасидан ҳайдовчиларимизнинг ўзлари қандай муносабат билдиришмоқда?

**Умиджон НАЗИРОВ,**  
ҳайдовчи:

— Қарор тўғри қабул қилинган. Ўзим ҳам қўл телефондан фойдаланаман. Шунинг учун айтишим мумкинки, ҳаракат пайтида телефондан фойдаланиш, истаимизми-йўқми, ҳайдовчини чалғитади. Биринчидан, рулни бир қўлда

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланиш тақиқланди.

бошқаришингизга тўғри келади, иккинчидан, диққат-эътиборингиз йўлга эмас, сўзлашувга қаратилади. Натижада бошқарувни маълум вақт назорат қила олмай қоласиз. Бу албатта ўзингиз учун ҳам, ҳаракатланаётган бошқа транспортлар учун ҳам, қолаверса, пиёдалар учун ҳам хатарли вазиятларни юзага келтиради.

Қарор кучга киргандан буюн агар телефоним жиринглаб қолса, машинами бир четга тўхтатиб, гаплашиб оляпман.

**Раҳмонжон ТУРДИЕВ,**  
ҳайдовчи:

— Учтепа туманида яшайман. Ўттиз бир йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорни ҳудуд ўринли, деб ҳисоблайман ва уни қўллаб-қувватлайман. Тўғрида, рулга ўтиришга, бутун фикрингиз йўлда бўлиши керак. Озгина чалғиш қўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, қиш-кировли, музлама пайтларда ҳайдовчидан янада хушёрлик талаб қилинади. Барча ҳайдовчиларни ҳам тажрибали деб бўлмайди, улар орасида қизиққон ёш-ялангари қанча. Қулбога телефонини тутиб олганча бемалол суҳбатлашиб, орқадан транспортга йўл бўшатайдиган, ён-веридигиларга ҳалал берадиган ҳайдовчиларни кўп кўрганман. Авваллари шундай ҳолатларга нари борса танбех бера олардик. Бунинг ҳам қимдир тўғри қабул қилса, қимдир энсасини қотирарди. Энди эса қонуний жазо белгиланди. Зора, бундан барча тегишли хулоса чиқариб оلسа.

Биз суҳбатга тортган барча ҳайдовчилар янги жорий этилган йўл ҳаракати қондасига нисбатан юқоридагидек ижобий фикр билдиришганидан қувондик. Ижобий фикр билдириш билангина чекланмай, унга тўла амал қилишса, нур устига ало нур бўларди. Шундагина жамятининг таяничи бўлган қонун устуворлигини таъминлашга эришамиз. Бу демократик давлат, адолатли фуқаролик жамятини барпо этишимизда муҳим омилдир.

**Усмунжон ЙЎЛДОШЕВ,**  
«Хабар»нинг махсус муҳбири



● MENING ARMIYAM — MENING TAYANCHIM!

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, бугун Ўзбекистон ўзининг тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга. Бу — мустақил Қуроли Кучларимиз ташкил топганлиги ва армиямизнинг мутлақо янги тамойиллар асосида ислоҳ қилинганлиги маҳсулидир.



ландилар. Эсдалик нишонларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Миродил Сангилев тантанали равишда топширди.

Шунингдек, Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиги, полковник Дмитрий Голдман байрам муносабати билан алоҳида ўрнатилган ҳарбий қисм аскарларида бошқарма ҳамда Фавкулдада вазиятлар вазирлигининг Фахрий ёрлиқ ва рағбатлантирувчи мукофотларини тақдим этди.

Йиғилишдан сўнг санъаткорлар иштирокида маданий тадбирлар ташкил этилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

**СУРАТДА:** Нишондорлардан бир гуруҳи (ўнгдан чапга) — подполковниклар — Мирзабек БҮРИБЕКОВ ва Абдумажид САГАТОВ ҳамда кичик сержант Нурали ХОЛТАСОВ.

Эл-юрт олдидаги хизматлари учун

Тинч ва осуда ҳаётимиз ҳимоячилари, Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари байрами ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланиб келинади. Бу йил Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ўн беш йиллиги тантана қилинди.

Махсус авария-тиклаш бошқармасида ҳам ушбу санага бағишлаб байрам тадбири ўтказилди. Унда

бошқарма ҳарбий хизматчилари ва фахрийлар ҳамда қисм аскарлари иштирок этишди.

Йиғилишда мамлакатимиз Қуроли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, юртимизда тинчлик ва барқа-

рорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун бошқарма бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Абдумажид Сағатов "Шухрат" медали билан, Қуроли Кучлар қурилишига муҳим ҳисса

қўшган, юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган бошқарманинг йигирма нафар ҳарбий хизматчиси "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига 15 йил" эсдалик нишонлари билан тақдир-

● TATU FILIALLARIDA

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Ватан ҳимояси — олий шараф!" мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ва Қарши сержантлар тайёрлаш мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда филиал директори Одилбек Турғунов ўтказилган ватанпарварлик ойлиги, ҳарбий соҳада олиб борилаётган илохотлар, Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлашда Қуроли Кучлар сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг масъулияти ҳамда булар нафақат Конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънода шараф эканли-

Байрам тадбири

ги тўғрисида маъруза қилди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда ТАТУнинг Қарши филиалида 24 нафар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган талаба тахсил олмоқда. Шу кунини улар томонидан йиғилганларга жанговар машқлар кўрсатилиб, талабалар томонидан юртин улўғловчи куй-қўшиқлар муҳассам бўлган байрам дастури намойиш этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ  
Қашқадарё вилояти



Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ўн беш йиллиги муносабати билан Хоразм вилоятидаги чегара қўшинларида хизмат бурчини ўтаётган ёш аскарлар билан учрашув ўтказилди. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси учрашув ташкилотчиси бўлди.

Қўмита раиси Зулфия Бобожонова оналар номидан ёш аскарларни қутларкан, уларга Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топишлари ва ҳарбий хизматларини аъло даражада ўташларига тилак билдирди. Аскарлар бўш пайтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўмита уларни қимматбаҳо совға билан тақдирлади.

Ёш аскарлар ўқув-машқ тайёргарлигида фаол катнашиб, ҳарбий билимларни эгаллаш ва уни мустаҳкамлашга интилишмоқда, — дейди ҳарбий қисм бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Илҳом Азимов. — Йиғитларимиз жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлашдек муносиби ва шарафли бурчларини ўтамоқдалар. Байрамда бизларни эслаб ташриф буюрганлари учун алоқачилар касаба уюшмаси қўмитасига чегара қўшинлари қисми шахсий таркиби номидан чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

Катта лейтенант Бахтиёр Холмуродов, оддий аскарлардан бухоролик Санжар Олпиев, ангрелик Элмурод Раҳов, фарғоналик Абдурашид Дадаевлар Ватан чегаралари дахлсизлиги ишончли қўлларга топширилгани ва мамлакат ҳудудий яхлитлигини кўз қорачигидек асраб, ҳимоя қилишга шай эканликларини билдиришди.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,

"Хабар"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

СУРАТДА: Зулфия БОБОЖОНОВА ёш аскарларга совғаларни топширмоқда.

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Хўжайли туман почта алоқаси тармоғида Туба алоқа бўлими почтачиси Айимжон ИСМОИЛОВА ва обуна бўлими оператори Сарқитгул ҲАЙИТОВАларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда тармоқ бошлиғи Қувонч ҲАЙИТОВ ва ҳамкасблар нафақага кузатилаётган ходимларга ўзларининг тилақларини изҳор қилдилар. Уларга эсдалик совғалари тақдим қилинди. Ўз навбатида, С.Ҳайитова ва А.Исмоиловлар кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун чуқур миннатдорчилик билдиришди.



Эҳтиром

Раҳимжон БОЛТАБОВ,  
боғлама касаба уюшмаси қўмитаси раиси

СУРАТДА: Айимжон ИСМОИЛОВА ва Сарқитгул ҲАЙИТОВА.



## ● НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

## Затраты на IT - \$1,16 трлн

По данным исследования IDC, общие затраты на информационные технологии по всему миру в 2006 году составили \$1,16 трлн.

Наибольший вклад в сектор вносит сегмент IT-услуг. В 2010 г. доходы от IT увеличатся до \$1,48 трлн. Наибольший вклад внесут IT-услуги. Объем доходов данного сектора составит \$587 млрд, годовые темпы роста — 5,8%. Второе место по объему доходов в 2010 г. придется на hardware — \$562 млрд. В ближайшие годы произойдет увеличение доходов от продаж серверов, сетевого и периферийного оборудования, а также средств хранения данных. Объем доходов от продаж software в 2010 г. достигнут \$327 млрд, годовые темпы роста составят 7,7%.

Основные потребители продуктов данного сегмента — представители сфер здравоохранения, телекоммуникаций, а также государственный сектор.



## Nokia — акцент на видео

Первая новинка, Nokia N93i, выполнена в корпусе с поворотным дисплеем и по конструкции напоминает цифровые видеокамеры. Кстати, основной упор при разработке аппарата был сделан именно на возможности записи видеороликов и съемки фотографий. Устройство снабжено камерой с 3,2-мегапиксельной матрицей и объективом Carl Zeiss с трехкратным оптическим трансфокатором. Максимальное разрешение снимков составляет 2048 x 1536 точек, а качество видеороликов, по заявлениям Nokia, аналогично качеству DVD-видео.

Еще одна новинка получила название Nokia N76. Этот аппарат, выполненный в раскладывающемся корпусе, характеризуется расширенными возможностями по воспроизведению мультимедийных файлов. Владельцы смогут прослушивать музыку в форматах MP3, WAV, AAC, WMA, проигрывать видеоролики и принимать радиопрограммы в диапазоне FM. Камера с двухмегапиксельной матрицей позволяет снимать фотографии с разрешением до 1600 x 1200 точек, для хранения материалов используются карты памяти microSD.

## Услуги ТШТТ доступны за WebMoney

На сайте филиала «ТШТТ» АК «Узбектелеком» сообщается, что теперь есть возможность мгновенно получить пин-коды Ташкентской городской телефонной сети (ТШТТ) для активации услуг междугородной и международной связи (IP-телефония) и коммутируемого доступа в Интернет (dialup). Обладая навыком работы с системой WebMoney и имея доступ в Интернет.

Теперь все желающие могут зайти на сайт [www.webmoney.uz](http://www.webmoney.uz) и затем выбрать раздел «Услуги ТШТТ» (ссылка находится в левом верхнем углу). Далее появится окно с дальнейшими инструкциями по работе с картами услуг ТШТТ, выбрав карту нужного номинала достаточно кликнуть КУПИТЬ. После покупки карты, PIN-код соответствующего номинала Вам доставят на Keerep (см. описание Системы WebMoney) буквально в течение считанных минут!



## Apple TV соединит компьютер с телевизором

Глава компании Apple Computer Стив Джобс в рамках выставки Macworld Expo 2007 наряду с мобильником-плеером iPhone представил новое устройство под названием Apple TV.

Apple TV внешним видом напоминает компьютер Mac mini. Устройство должно заинтересовать, в первую очередь, тех пользователей, которые хотят просматривать сохраненные на жестком диске ПК мультимедийные материалы на экране телевизора.

## Китай потерял 10 тысяч доменов

Китайские владельцы приблизительно 10 тысяч доменов в доменной зоне .com потеряли свои права из-за землетрясения, произошедшего в прошлом месяце.

Эти домены не были в должное время перерегистрированы и поэтому возвращены к пулу доступных адресов.



## ● Ziyonet—АНОНС\*

## Конкурс талантов

В ГОСУДАРСТВЕННОЙ КОНСЕРВАТОРИИ Узбекистана прошел республиканский этап конкурса на Государственную премию имени Зульфии. В мероприятии, организованном по инициативе Комитета женщин республики, приняли участие победительницы каракалпакского, областных и ташкентского этапов состязаний — всего семьдесят претенденток.

В мероприятии приняла участие заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан, председатель Комитета женщин республики С.Инамова.

## Создана универсальная автоматизированная обучающая система

УНИВЕРСАЛЬНУЮ автоматизированную обучающую систему для подготовки специалистов по курсу «Монтаж компьютерных сетей» создали ученые Джизакского политехнического института.

Предложенная идеология автоматизированной системы может использоваться для создания систем обучения в других областях знаний, например, в биологии, математике. Для создания новой обучающей системы необходимо лишь разработать упражнения, тексты теоретических разделов, нарисовать иллюстрирующие картинки определенного размера.

## Состязания среди преподавателей по допризывной подготовке

НАКАНУНЕ 15-летия Вооруженных Сил нашей страны и Дня защитников Родины состоялись областные состязания среди преподавателей по допризывной подготовке молодежи.

Они были организованы совместно бухарскими областными управлениями народного образования и по делам обороны, областным отделом Организации содействия обороне «Ватанпарвар».

## Заслуженное признание

ИСЛАМСКАЯ организация по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO) объявила Ташкент одной из четырех столиц исламской культуры в 2007 году. Это событие вызвало оживленные комментарии среди представителей дипломатического корпуса, а также международных организаций, аккредитованных в Узбекистане.

## Все - на благо наших детей

БОЛЕЕ 5 тысяч культурно-просветительских, спортивных и благотворительных мероприятий провел в 2006 году Международный неправительственный благотворительный фонд «Соглом авлод учун». Об этом было сообщено на состоявшейся в Ташкенте пресс-конференции, посвященной итогам работы фонда в прошлом году.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети Ziyonet [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)



# Хабарлар + tv

## O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассолом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Тадлинома".  
8.50 Оқтин мерос.  
9.00 "Одам ва одам" дастури.  
Менин уммон қалдира".  
"Болалар сайраси".  
9.50 "Сехрланган бола".  
Мультифилм.  
10.35 "Одами эрсан".  
10.55 "Дунё иқлими".  
11.00 "Азборот".  
11.15 "Диа таронаси".  
11.25 Ҳайвон. И. Султон. "Алишер Навоий". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.  
12.35 Оқтин мерос.  
12.45 "Алишер Навоий".  
Спектакль. 2-қисм.  
13.55 "Дунё иқлими".  
14.00 "Азборот".  
14.20 "Одам ва одам" дастури.  
"Қушлар ҳақида ҳақиқат".  
15.10 "Диа таронаси".  
15.20 "Ватанпарвар".  
16.20 "Қишлоқ ҳаёти".  
"Болалар сайраси".  
16.40 "Эртақлар - яхшиликка этаклар".  
17.00 "Азборот".  
17.15 Оқтин мерос.  
17.20 "Эркин иқтисодий".  
17.40 "Мояси сирлари". 1-қисм.  
18.00 "Оҳанглар оғушида".  
18.10 "Халқ устаси". 1-қисм.  
18.30 "Ошани". Телесернал.  
19.00 "Алло уйинги". Теледөгери.  
19.15 "Молия ва банк хабарлари".  
19.20 "Дунё иқлими".  
19.25. 19.55. 20.55. 21.30

Эълонлар.  
19.30 "Азборот" (рус тилида)  
20.05 "ТВ шифокор".  
20.10 "Онда ришталар".  
Телесернал премьераси.  
20.50 "Дунё иқлими".  
21.00 "Азборот".  
21.40 "Янги оҳанглар".  
22.00 "Икки тақдир". Телесернал.  
Премьераси (Хиндустон).  
22.45 "Қўшиқчиси, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
23.00 "Одам ва одам" дастури. "23. 5 азрако бурчак остида".  
23.25-23.40 Тунги наволар.

## YOSHLAR

17.55 Дастур очилиши.  
18.00 Истиқбол тинимлари.  
18.10 UZEX.  
18.20 Ташвиш ва тарққидёт.  
18.35 Дилрабо.  
18.55. 21.55 Иқлим.  
19.00 ДАВР.  
19.30 "Сеншанглар" Сериял.  
20.10 UZEX.  
20.15 Мўнақдам сеҳри.  
20.45 Наво-SMS.  
21.10 Эълонлар.  
21.15 "Муҳаббат дардлари".  
Сериял.  
22.00 ДАВР.  
22.30 Янги наволар.  
22.40 "Саломея". Сериял.  
00.05 - 00.10 Тафқуру нури.

## TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 Мультифилм. "Денгиз илгари".  
18.05 "Телекурьер - маркет".  
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
18.50 "Гавдалупе". Телесернал.

## ДУШАНБА — 22 ЯНВАР

19.30 "Музыка SMS".  
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/.  
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/  
рус/.  
20.20 "Футбол тарихи". Хужжатли  
филм/рус/.  
20.50 "Интервью"/рус/.  
21.00 "Жойиба".  
21.25 "Эсайдисми, Ёлғиздаими?"  
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
21.50 "Телекурьер - маркет".  
22.10 "Аёл қалби".  
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/  
рус/.  
22.50 Кино: "Найран"/рус/.  
00.20 00.25 Хайри тун,  
шаҳрим".

## SPORT

Телеомошинбандлар лиққатига!  
Профилактика муносабати билан,  
22 январь кунин "Sport" теледи-  
каналда ўз кўрсатувларини 18.00  
ади бошлайди.  
18.00 "Айқинчани саргузаштлар-  
и": Болалар учун фильм.  
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)  
18.50 "Ким нимага қолди".  
19.10 "Мени куттига".  
20.00 "Вести".  
20.25 "Тет-а-тет".  
20.35 "Гурур". Сериял.  
21.20 "Хабарлар" (рус. тилида)  
21.50 Спорт кинолари: "Уимбл-  
дон", "Бадмин филм".  
23.30 ПрофРИНГ.  
00.20 "Тунингиз осуда бўласин!"

## БИРИНЧИ

05.00, 09.00, 12.00, 15.00, 03.00  
Новости.  
05.05 "Доброє утро"  
09.20 "Малахов +".  
10.20 Х/ф "Вечный зов".  
11.20 "Детектив".  
12.20 "Лолита. Без комплексов".  
13.20 "Понять. Простить".  
14.00 Другие новости.  
14.30 "Контрольная закупка".  
15.20 "Криминальная Россия".  
16.00 Т/с "Любовь как любовь".  
17.00 "Федеральный судья".  
18.00 Вечерние новости.  
18.20 Т/с "Пять минут до метро".  
19.10 "Жая меня".  
20.00 Т/с "Сестры по крови".  
21.00 "Время".  
21.30 Т/с "За все тебя благодарю".  
22.30 "Город погибших самолетов".  
23.30 Ночные новости.  
23.50 "Теория невероятности".  
"Если верить в судьбу".  
00.40 "Тени и зловеще".  
01.10 "Стань мной глазами".  
01.45 Триллер "Американский  
пенкоп".  
03.20 Триллер "Преступный образ  
жизни".

## РОССИЯ

05.00 "Доброє утро, Россия!"  
08.45 Д/ф "Смерть в селе".  
Илпором.  
09.35 Х/ф "Пролысь, пролысь,  
очирваюсь".  
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 "Вести".  
11.30, 14.20, 17.20, 20.45 "Местное  
время. Вести - Москва".  
11.50 "Аншлаг" и Компания".  
12.50 "Частная жизнь".  
13.45, 16.40, 19.40 "Вести".

Дежурная часть".  
14.40 Х/ф "Варенька".  
17.40 Т/с "Обреченная статья  
заслужил".  
18.40 Т/с "Ангел-хранитель".  
21.05 "Спокойной ночи,  
малыш!".  
21.15 Т/с "Двое из ларца".  
23.15 "Городок".  
00.15 "Вести +".  
00.35 "Местный детектив".  
01.05 "Синемания".  
01.40 "Дорожный патруль".  
01.50 Х/ф "Засяб твой фронт".

## НТВ

06.00 "Сегодня утром!"  
09.05 "Следствие вели...".  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00  
"Сегодня".  
10.25, 15.30, 18.30, 21.45  
"Чрезвычайное происшествие".  
Обзор.  
10.55 "Кулинарный поединок".  
12.00 "Квартирный вопрос".  
13.50 Т/с "Смешки 4".  
16.20, 19.40 Т/с "Улицы разбитых  
фонарей".  
20.50 Т/с "Спящий 2".  
22.40 Т/с "Сталин. Live".  
23.40 Т/с "Молодые и злые".  
00.40 "Школа злословия". А.  
Сексанин.  
01.35 Комедия "Любовь не стоит  
ничего".

## КУЛЬТУРА

07.00 Канал "Евроньюс".  
10.20 "В главной роли".  
10.45 "Путешествия натуралиста".  
11.15 Х/ф "Бел сивидетель".  
12.45 М/с "Картофельны и  
драконы".  
13.05 "Линия жизни". В.  
Макинн.  
14.00 "Мой Эрмитаж".  
14.30 А.П. Чехов. "В номерах".  
15.55 "Арктика всерьез".  
16.20 Д/с "Обитатели бездны".  
"Жители теплых морей".  
16.45 "Поряток слов".  
16.50 Д/ф "Поэт Николай  
Рубцов".  
17.50 "Дворянские тайны".  
"Княгиня Палея".  
18.15 "Достоинство республики".  
Усадьба Волышево.  
18.30 "БлокНОТ".  
19.00 "Ночной полет".  
19.55 Д/с "Время". "От рассвета  
до рассвета".  
20.45 "Острова". М. Чехов.  
21.30 Д/ф "Империя Королева".  
22.00 "Тем временем".  
23.00 "Про АРТ".  
23.50 Т/с "Дьяне и Вустер".  
00.45 Д/ф "Блокада".  
01.40 Д/с "Время". "От рассвета  
до рассвета".  
02.30 Концерт Национального  
филармонического оркестра  
России.

## СТС

08.00 Мультисернал  
08.45 М/ф "Кем быт?"  
08.55 Мультисернал  
09.30, 20.30 Т/с "Папа на все  
руки".  
10.00, 22.00 Т/с "Калетство".  
11.30 Т/с "Завтра будет завтра".

12.30 Т/с "Виола Тараканова. В  
мире преступных страстей 2".  
14.30 Т/с "Не ропись красной".  
15.30 Мультисерналы.  
18.00 Т/с "Комиссар Рекс".  
19.00 Т/с "Завтра будет завтра".  
20.00 Т/с "Моя прекрасная няня".  
21.00, 02.30 Т/с "Кто в доме  
хозяйин?".  
23.00 Т/с "Убойная сила".  
"Ударная волна".  
00.00 Х/ф "Голый пистолет".  
03.00 Т/с "Части тела".

## ТВЗ

09.00 Победоносный голос.  
09.30 М/ф.  
08.45 Х/ф "Романтическая  
комедия 101".  
10.30 Комната смеж.  
11.00 Х/ф "Мир ширка".  
13.30 Х/ф "По семейным  
обстоятельствам".  
15.00 Скетч-шоу.  
15.30 Комната смеж.  
16.00 Х/ф "Семейные тайны".  
18.00 Х/ф "Саймон Бери".  
20.30 Кинофильм.  
21.00 Х/ф "Признание опасного  
человека".  
23.30 Х/ф "Беги, Лола, беги".  
01.00 Т/с "Клиент всегда мертв".  
02.00 Х/ф "Убежище".

## ДТВ

08.30 Музыка на ДТВ.  
08.35 М/ф.  
10.00, 21.55 Самое смешное  
видео.  
10.25, 17.30 Д/ф "Как уходили  
кумыры Тамара Макарова".  
10.55 Телемагизин.  
11.25, 02.25 "Каравайнный вал +".  
11.50 Х/ф "Под прицелом".  
14.00 Т/с "Секретный агент  
МакГайер".  
15.00 Т/с "Детектив Нэш  
Бриджес".  
16.00, 22.25 "Каламбур".  
16.30 М/ф.  
17.55 Х/ф "Ивины А".  
20.00, 01.30 Самое невероятное  
видео.  
21.00 Т/с "Секретный агент  
МакГайер".  
23.30 "Осторожно, афера!".  
00.00 Т/с "С.С.И. Место  
преступления Лас-Вегас".  
01.00 Гольме и смешные.

## ТНТ

05.45, 19.30, 00.20 Москва:  
инструкция по применению.  
06.10 Т/с "Любовь и тайны Санкт  
Бит".  
07.00 "Глобальные новости".  
07.05 Мультисерналы.  
08.20 Предприниматель.  
09.00 Т/с "Завух за миллионер".  
10.00 "Школа ремонта". "Газетный  
бум".  
11.00, 18.00 Т/с "Счастливы  
вместе".  
12.00 Мультисерналы.  
13.30 19.00 Такси.Такси.  
14.05 Деньги на проволочке.  
15.15 Комедия "Маленькие  
негодяи".  
17.00, 21.00, 23.45, 01.20 "Дом 2".  
20.00 Нянча спешит на помощь.  
22.00 Комедия "Космический  
дозор: Эпилов Г".  
02.20 Комедия "Маленькие  
негодяи".



## O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.40 Оттин мерос.  
8.55 "Олам ва одам" дастури. "23, 5 даража бурак остиди".  
"Болалар сайраши".  
9.20 1. "Уйла, Ила, Топ!" Телемусобақа.  
2. "Бини Пунинг саргашлари". Музыкерал.  
10.30 "Остонаси тизилди".  
10.50 "Мочин ва банк хабарлари".  
10.55 "Дунё иқлими".  
11.00 "Ахборот".  
11.15 "ТВ шифокор".  
11.20 "Ойла ришталари".  
Телесериал.  
11.55 "Дил таронаси".  
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)  
12.15 Навоий ривоятлари. "Эл дуоли".  
12.25 "Шахсий фикр".  
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.  
13.45 Оттин мерос.  
13.55 "Дунё иқлими".  
14.00 "Ахборот".  
14.20 "Олам ва одам" дастури.  
"Кўншар ҳақида ҳақиқат".  
15.10 "Дил таронаси".  
15.20 А. Қаҳор ғаввалдудининг 100 йилдиги олдани. Ҳажвий новеллалар.  
15.50 Жаҳон опера санъати юздодлари. М. Раҳмонова.  
"Болалар сайраши".  
16.25 "Эрталар - яхшиликка етаклар".  
16.40 "Ақд ва идрок".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 Эски альбом.  
17.20 ИИВ хабарлари.  
17.40 "Можий сирлари". 2-қисм.  
18.00 "Оқдлар оқишида".  
18.10 "Халқ устаси". 2-қисм.  
18.35 "Ситанин адибқонлигини".  
18.40 "Ошин". Телесериал.  
19.10 "Банк ва мижоз".  
19.20 "Дунё иқлими".  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.05 "ТВ шифокор".  
20.10 "Ойла ришталари".  
Телесериал.  
20.50 "Дунё иқлими".  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Еринг муносиб эгасини топиш - долзарб масала".  
22.00 "Икки тақдир". Телесериал.  
22.45 "Кўншариман, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).  
23.00 "Олам ва одам" дастури. "23, 5 даража бурак остиди".  
23.25-23.40 Тунги навалар.

## YOSHLAR

5.55 Дастур очилиши.  
6.00 ЯНГИ ТОНГ.  
8.00 "Севинганлар". Сериал.  
8.35 Ватанам!  
8.40 Јаъна!  
9.00 Даврининг боласи.  
9.15 Биз табияти сезимиз!  
9.30 Эрика!  
9.45 Болалар табисеуми.  
9.55, 12.55, 15.55 Иқлим.  
10.00 Давр.  
10.15, 16.15 Тафаккур нури.  
10.20 "Муҳаббат қудуси". Сериал.  
11.00 Ватанларим!  
12.00 "Муҳаббат дардлари". Сериал.  
12.35 Дутори қизлар навои.  
13.00 Давр.  
13.15 2007 - Иқтимоий ҳимоя йили.  
"Мурувват".  
13.30 "Навоий". Видеофильм.  
14.30 ЯНГИ КУН!  
15.30 "Фен ҳақида 10 дақиқа".  
15.40 Кишлоқдаги тенгшомин.  
16.00 Давр.  
16.20 Ёшлар навалари.  
16.30 Интерфутбол.

18.00 Давр-репортж.  
18.10 Тараққот сари.  
18.20 Дилрабо.  
18.45 ТВ-банк.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 ДАВР.  
19.30 "Севинганлар". Сериал.  
20.10 JOKER телелотереяси.  
20.15 Давр мавзуси.  
20.30 Автошарҳ.  
21.50 Наво-SMS.  
21.50 Эълонлар.  
21.55 "Муҳаббат дардлари". Сериал.  
22.00 ДАВР.  
22.30 Янги навалар.  
22.40 "Саломея". Сериал.  
00.05 - 00.10 Тафаккур нури.

## TOSHKENT

Телетомошабинлар диққатига! Профилдакча муносабати билан Сешанба 23 январ куни "Toshkent" телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 17.50 дан бошлайд.

17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 Муълалфим. "Денгиз итлари".  
18.05 "Телукурьер-маркет".  
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
18.30 "Вадалуле". Телесериал.  
19.30 Муслика SMS.  
19.50 "Соғини".  
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.  
20.20 "Футбол тариги". Ҳужжатли фильм/рус/.  
20.50 "Репортаж".  
21.00 "Жозина".  
21.25 "Эълайим, ёдингизам!".  
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.  
21.50 "Телукурьер - маркет".  
22.10 "Можир"/рус/.  
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/рус/.  
22.50 Кино: Томас Крауннинг қилмаси"/рус/.  
00.30 - 00.35 Хайри тун, шахрим".

## SPORT

7.00 "Бараам бўлинг".  
8.00 "Хабарлар" (рус тилида)  
8.20 "Баладар спорт".  
8.35 Музыкерал.  
9.05 "Малахов +".  
10.00 "Хабарлар" (узб тилида)  
10.20 "Детективлар".  
10.50 Теннис. Австралия очик чемпионати.  
11.50 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. Эрталар.  
12.20 - 12.40 АВТОграф.  
18.00 "Болалар спорт".  
18.15 Муълалфим.  
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)  
18.50 "Уз-ўзинг режиссер".  
19.30 Футбол мундвал.  
20.00 "Вести".  
20.20 "Гурур". Сериал.  
21.10 "Бахадлар ўзини".  
21.30 "Хабарлар" (узб тилида)  
21.50 "Тибекта етти йил". Башир фильм. 1-қисм.  
23.00 Еврофутбол. Германия чемпионати. "Шальке" - "Бавария".  
00.35 "Тунгити осуда бўлсин!"

## БИРИНЧИ

05.00, 09.00, 12.00, 15.00, 03.00  
Новости.  
05.05 "Доброе утро".  
09.20 "Малахов +".  
10.20 Х/ф "Вечный зов".  
08.10 "Топ-20"  
09.00 Сернал "Потерявшие солнце" 1-сер.  
09.50.15.45.17.30 Мировые хиты  
11.00 Кино "НАВБАТЧИ ДАДА"  
13.30 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Телениа  
17.00 "Миссия неповторима"  
18.00 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал "Потерявшие солнце" 2-сер.  
20.00 "Сунмас озулар"  
21.00 "Премьера" (рус.)  
21.20 "Сайилгоҳ"  
22.00 Хул. фильм "ГЕРОЙ"  
00.00 Миксер

## Шанба

07.00 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
07.10.09.45.13.00.14.20.17.00.18.10.21.00  
Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)

08.10.09.15.16.20 Мировые хиты  
09.00 "Кули маркази"  
09.30 "Сайилгоҳ"  
11.00 Хул. фильм "ГЕРОЙ"  
14.00 "Премьера" (Ҷаб.)  
15.00 Телениа  
18.00 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Концерт Даврона Эргашева  
22.00 Хул. кинос "КИМ УҒРИЮ --КИМ ТУҒРИ"

## Якшанба

07.00 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
07.10 Ўзбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 Мировые хиты  
08.30 "Юдузай пайшанба"  
09.00 Ўзбек навалари  
10.15 "Сунмас озулар"  
11.00 Хул. кинос "КИМ УҒРИЮ --КИМ ТУҒРИ"  
13.00 Ўзбек навалари  
13.30 "Очил дастурхон"  
14.00 Ўзбек навалари  
15.00 Телениа  
16.20 Мировые хиты  
16.30 "Премьера" (рус.)  
16.50 Ўзбек навалари  
18.00 Марказ NEWS (Ҷаб.)  
18.10 Ўзбек навалари  
18.30 "Сайилгоҳ"  
18.45 Мировые хиты  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Мировые хиты  
20.00 Ўзбек навалари  
21.00 "Топ-20"  
21.45 Мировые хиты  
22.00 Кино- SMS:  
1. "ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ"  
2. "ИСТОРИЯ ЗОЛУШКИ"  
3. "ДОГМА"

## RTP-Спорт

## Душанба

07.00.09.10.11.10.15.45.21.40.05.00  
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
09.00.11.00.15.00.15.10.17.40.23.40.02.35  
"Вести-спорт".  
14.05 Автопорт. "Дакар-2007".  
15.15 Дневник зимней Универсиады.  
17.55 Баскетбол. Кубок России. Женщины. 1/2 финала. "Спартак" (Мос.обл.) - ЦСКА (Сам.).  
19.40 "Рыбалка с Радзишевским".  
19.55 Баскетбол. Кубок России. Женщины. 1/2 финала. УТМК (Бел.) - "Динамо" (Мос.).  
23.55 Гандбол. ЧМ. Мужчины. Россия - Хорватия.  
01.40 Автопорт. "Дакар-2007. Итоги".  
02.45 Футбол. Обзор матчей чемпионата Англии.

## Сешанба

07.00.09.10.11.10.15.40.05.00  
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
09.00.11.00.15.00.18.40.23.20.02.05  
"Вести-спорт".  
14.05 Автопорт. "Дакар-2007. Итоги".  
15.10 Дневник зимней Универсиады.  
18.55 Хоккей. Чемпионат России. "Металлург (Маг.) - "Локомотив" (Яр.).  
21.15 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Локомотив-Белогорье" (Рус.) - Тур (Фра.).  
23.30 Фигурное катание. ЧЕ. Пары.

02.15 Мототриал. ЧМ.  
03.20 Автопорт. ЧМ по ралли. "Ралли Монте-Карло".

## Чоршанба

07.00.09.10.11.10.13.35.15.40.05.00  
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
09.00.11.00.15.00.18.25.23.30.02.05  
"Вести-спорт".  
12.30 "Самый сильный человек". Кубок мира-2006.  
15.10 Дневник зимней Универсиады.  
18.35 "Путь Дракона".  
19.10.23.45 Фигурное катание. ЧЕ.  
21.25 Баскетбол. Кубок России. Женщины. Финал.  
02.15 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Нолько" (Бел.) - "Динамо" (Рус.).

## Пайшанба

07.00.09.10.11.10.13.30.15.40  
Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
09.00.11.00.15.00.18.35.21.45.02.40  
"Вести-спорт".  
12.30 "Путь Дракона".  
13.00 "Сборная России". О. Андрианова.  
15.10 Дневник зимней Универсиады.  
18.00 "Точка отрыва".  
18.50.02.50 Фигурное катание. ЧЕ.  
21.00 Скеелтон. ЧМ. Женщины.  
22.00 Баскетбол. Евролига "Динамо" (Рус.) - "Олимпикос" (Гре.).

00.05 "Точка отрыва".  
00.40 Баскетбол. Евролига. "Барселона" (Исп.) - ЦСКА (Рус.).

## Жума

07.00 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Нолько" (Бел.) - "Динамо" (Рус.).  
09.00.11.00.15.00.23.00.23.10.02.35  
"Вести-спорт".  
09.10.11.00.21.15 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
12.55.16.15.23.15 Фигурное катание. ЧЕ.  
14.30 "Точка отрыва".  
15.10 Дневник зимней Универсиады.  
16.00 "Рыбалка с Радзишевским".  
02.45 Скеелтон. ЧМ. Женщины.

## Шанба

06.40 "Легенды спорта".  
07.15 Теннис. Открытый чемпионат Австралии. Женщины. Финал.  
09.00.11.35.11.45.15.05.19.30.00.00.15.02.10  
"Вести-спорт".  
09.10 Теннис. Открытый чемпионат Австралии.  
11.55 Хоккей. Чемпионат России. "Амур" (Хаб.) - СКА (С-Пет).  
14.30 "Легенды спорта".  
15.10 Дневник зимней Универсиады.  
18.55 Хоккей. Чемпионат России. "Авангард" (Омск) - "Северсталь" (Чер.).  
18.10 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.  
19.40 Фигурное катание. ЧЕ.

Женщины. Произвольная программа.  
22.05 Баскетбол. Чемпионат России. Мужчины. "Химки" (Мос.обл.) - "Динамо" (Мос.обл.).  
00.20 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины. "Искра" (Омск.) - "Локомотив" (Нов.).  
02.15 Гандбол. ЧМ. Мужчины.

## Якшанба

07.00 Хоккей. Чемпионат России. "Авангард" (Омск) - "Северсталь" (Чер.).  
09.00.11.00.11.10.13.40.18.40.23.30.23.45.01.55  
"Вести-спорт".  
09.10 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины. "Искра" (Омск.) - "Локомотив" (Нов.).  
10.10 "Сборная России". М. Степанова.  
10.40 "Битва мислов".  
11.15 "Страна спортсменов".  
11.45 Теннис. Открытый чемпионат Австралии. Смешанные пары. Финал.  
13.30 Теннис. Открытый чемпионат Австралии. Мужчины. Финал.  
16.50 Дневник зимней Универсиады.  
17.25 Бобслей. ЧМ. Мужчины. Двойки.  
18.55 Легкая атлетика. Международная турнир "Русская зима".  
21.25 Хоккей. Чемпионат России. "Ак Барс" (Каз.) - "Локомотив" (Яр.).  
23.50 Футбол. Кубок чемпионов Союзреспублики Финал.  
02.00 Фигурное катание. ЧЕ.



“KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!”



Одамзод тарихидаги қадимги маданият — унинг сўз воситаси орқали яратган фолклор санъати ҳисобланади.

# Алпомишнинг алоқачилари

Ўзбек халқ оғзаки ижоди санъати меросида кишилиқ маданияти ва маънавий-маърифий ҳаётига оид қадриятлар шу даражада бисёрки, улар фолклорнинг турли жанрлари бадиий ифода воситалари, образ ва персонажлар хатти-ҳаракатларида ўз аксини топган. Буни қаҳрамонлар тақдирини муҳим рол ўйнашга ёрдам берувчи фолклор номалари ва хат-хабарлари мисолида кўрсатилган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарида учрайдиган хат-хабар ва алоқа маданияти мнемоник (хотирани ишга солувчи предметлар), шартли белги, рамзий ранг, парранда ёки жонивор, чопар, мактуб шаклларида учрайди. Чунки, “Алпомиш” достонида: “Барчин Кўнғиротга хат ёзиб: Муллалар ўқиган Куръон

қаломди, Белига қистирган давот-қаламди, Эсон-омон борсанг Кўнғирот элга, Бойбўридай қайнатамга салом де...” деб ўн йигит (чопар)ни жўнатади.

Хатни олган Бойбўри аразлаб ўн минг уйли Кўнғирот элини ортидан эргаштириб, Тойча қалмоқ юртига кўчиб кетган укаси Бойсарига аччиқ қилиб, ўғли — Алпомишга мактубни бермайди. Сўжет воқеалари ана шу мактуб воқеасидан сўнг янада авж олади ва Алпомиш қаллиги Барчиноини тўксон қалмоқ паҳлавонидан кутқариш учун алпик саргузаштини бошлайди.

“Алпомиш”да элимиз этник маданияти тарихига оид кўпгина қадриятлар қаторида қадимги давр аждодларимиз ўз

турмушларида қўллаб келган хат-хабар ва алоқа воситаларидан фойдаланишнинг усуллари берилган. Алпомиш иккинчи мартаба қалмоқлар элига бориб, амакиси ва қайнотаси Бойсарига ҳамда Кўнғирот қавмини Тойчахон зулмидан кутқариш воқеасига бағишланган қисмда Тойчахон паҳлавонларининг онаси — ўғиллари хуни учун Алпомишдан ўч олиш қасдида юрган Мастон кампир тузоғига илиниб (йигитлари билан шаробхўрлик қилиб), Тойчахон махсус қурдирган зиндонга тушади. Уни зиндондан кутулишига сабабчи бўлган хабарчи — бошқа халқлар фолклорига учрамайдиган ғоз ҳисобланади.

(Давоми бор.)

Саид АЛИМОВ,  
ЎЗМУ доценти

## ЖАҲОН РОСҲАТИ

Непал қироллиги Ҳимолай тоғларининг жанубий ёнбағрида жойлашган бўлиб, ҳудуди шарқдан ғарбга 900 километр, шимолдан жанубга 200 километр масофага чўзилган.



# Етти чўққи оша...

Жанубий туманларнинг денгиз сатҳидан баландлиги нари борса 70 метрни ташкил этади, шимол томон юрсангиз, аксинча, кескин кўтарилиш бошланади ва 8848 метр баландликка — дунёнинг энг баланд Жомолунгма (Эверест) чўққисига элтувчи улкан тоғлар бошланади. Қисқаси, Непални «дунёнинг томи», деб аташ мумкин. Чунки жаҳондаги энг баланд саккиз тоғ чўққисининг еттисitasi айнан ушбу мамлакатда жойлашган.

Мамлакатда яшовчи 23 миллион аҳолининг деярли 2 миллиони 4000 метргача баландликдаги тоғ қишлоқларида истиқомат қилади. 5000 метрдан юқори кимсасиз ҳудудларда йил давомида қор аримайди. Ёз келиши билан қорларнинг эришидан тоғ дарё ва ирмоқлари тўлиб-тошади. Бенгал кўрғазидан муссон шамоллари эсишни бошлагач эса ёмғирлар мавсуми бошланади.

Пурвиқор Непал тоғлари бамисли кекса афсунгарга ўхшайди. Бу жойларнинг ўзгача оҳанрабо си туфайли, саноксиз сайёҳлар ва алпинистларнинг қадами узилмайди. Эверестни забт этиш — ўзини ҳақиқий алпинист ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг орзуси. Тоғлар олам-олам қувонч, умрга татиғулик таассуротлар манбаи бўлиш билан бирга одамлар, юклар ва почтанинг манзилга етиб бориши йўлидаги улкан тўсиқ ҳамдир. Йўллар қуриш машаққатли меҳнат ҳамда жуда кўп вақт ва пул талаб қилади. Қўл узатса етгудек кўрингани билан бир тоғдан иккинчисига яёв йўл юриш учун бир неча кун кетади. Непаллик

почта курерлари жўнатмаларни ўз эгаларига етказиш учун ана шундай оғир шароитларда кечаю кундуз меҳнат қилишади.

Непалдаги почта бўлимлари томонидан 10 мингдан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Яна шунча одам ёлланиб ишлайди. Уларнинг 3760 нафарини тоғ сўқмоқлари орқали бир почта бўлимидан иккинчисига почтани элтиш ҳамда йўл-йўлақай почта станцияларида почта алмашинувини амалга оширувчи курерлар ташкил этади.

Почта курерларидан ўзлари хизмат қиладиган жойларнинг паст-баландини беш қўлда билиш, энг асосийси, мустаҳкам ирода ва мардлик талаб қилинади. Уларнинг оғир меҳнати сабр ва чидам, шунингдек, қийин вазиятларга доимо шай туришни тақозо этади. Курерлар асосан тоғ йўлларида яққа ўзлари юришгани учун улар билан қутилмаган ҳар нарса содир бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш таннархи жуда қимматга туша ҳамки, универсал хизматлар кўрсатиш ҳукумат зиммасидаги вазифа бўлгани учун тоғли масканларга ҳам почта албатта етказиб берилади.

(Давоми бор.)

asxabar@mail.uz

## ALOQA OLAMIDA

### ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕВИЗОР ЗАВОДИ

ЯПОНИЯНИНГ “Panasonic” савдо белгиси остида электр жихозлари ишлаб чиқарувчи “Matsushita Electric Industrial” компанияси плазмали телевизорлар тайёрланадиган жаҳондаги энг йирик заводни барпо этишни режалаштирмоқда. Қурилиш ишларига 2,4 миллиард АҚШ доллари сарфлаш мўлжалланяпти.



Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагидаги савдолар компанияга 84 миллиард доллар фойда келтиради. Янги завод компаниянинг жаҳон плазмали телевизорлар бозорида етакчилик қилаётган “Samsung” ва “Sharp” компаниялари билан муносиб рақобатга киришишига имкон беради. Унда ҳар ойда бир миллион дондан зиёд плазмали телевизорлар йиғилади.

### 50 ЁШДАМИСИЗ — МАРҲАМАТ!

ЗАМОНАВИЙ технологиялардан фойдаланишда кўпинча қийинчиликларга дуч келувчи катта




ёшдаги инсонлар учун Интернет қидирув тизими — Cranky.com ишга тушди. Тизимнинг бош саҳифасида унинг ёши 50дан ошганларга мўлжалланганлиги кўрсатилган.

Ҳая муаллифи Жефф Тейлорнинг таъкидлашича, Google ва Yahoo сингари тизимлар берилган савдоларга жуда кўп натижаларни тақдим этиши оқибатида кўпинча ёши улуг инсонлар мушкул аҳволга тушиб қолишади. Ўртача ҳисоблаганда, ҳар бир қидирувчи тизим бир саҳифада 10га яқин натижани чиқариб беради, Crankyнинг бир саҳифасида уларнинг сони 4тадан ошмайди.

### QUAERO ФРАНЦУЗЛАРДА ҚОЛДИ

ГЕРМАНИЯ ҳукумати келгусида Google тизимига асосий рақиб бўлиши кутилаётган Quaero Европа қидирув тизимини яратиш ишларида қатнашишдан беш тортди. Ўз навбатида, Еврокомиссия 9 мамлакатнинг 13 компания ва ташкилоти иштирок этувчи янги — Pharos қидирув тизимини лойиҳалаш ишларига 11,05 миллион АҚШ доллари ажратишга ваъда берди. Немислар эса ўзлари алоҳида семантик қидирувни амалга оширувчи Theseus тизимини ишлаб чиқишга қарор қилишди.



Германия лойиҳани тарқатганидан сўнг “Quaero” тўлиқ французлар ихтиёрида қолди.

### ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚАРОҚЧИЛИККА ҚАРШИ

ДАСТУР таъминоти ва ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (SIIA) тақдим этган маълумотларга кўра, ўтган йили интеллектуал мулк соҳасидаги қароқчиликлар бўйича суд ҳукми билан жами бир миллион доллардан зиёд маблағ даъвогарлар, яъни ишлаб чиқарувчилар фойдасига ундириб берилган. SIIA бу пуллар келгусида қароқчиликка қарши курашишга сарфланишини баён қилди.





(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Ўзбекистонда телевидение ташкил қилингандан кейинги 20 йил мобайнида Кабел-радиореле магистрал-реле бошқармаси (КРМБ) томонидан радиотелевизион станциялар (РТС) ва радиореле линиялар (РРЛ)ни фақат ягона андоза асосида эмас, балки тезлаштирилган вариантлар бўйича қуришда ҳам катта ишлар амалга оширилди. Бу усул объектларни тиклашга сарфланадиган харажатларни камайтириш, қисқа муддатда республикамизнинг катта ҳудудини ТВ дастурлар билан қамраш ҳамда уларни Тошкентдан узоқ жойлашган минтакаларга узатиш имконини берарди.

1970-йилларнинг ўрталарида "Тошкент-Адрасман-Советский-Андижон" радиореле линияси такомиллаштирилди. Эскириб қолган ускуна Венгрияда ишлаб чиқилган "ГТТ 6000/1920" ("Дружба") русумли ускунага алмаштирилди. РРЛни қуриш йўналишлари ўзгартирилди. Бунинг учун Пахта, Ангрен, Чодак, Наманган, Андижон шаҳарларида янги РРСлар ҳамда Пассив ретрансляция-лаш пункти (ПРП) қурилди. Янги йўналишга "ТАНА" деб ном берилди ва у Тошкент-Пахта-Олтинтопкан (Тожикистон ҳудуди)-Ангрен-ПРП-Чодак-Наманган-Андижон

йўналиши бўйича барпо этилди.

1975 йили Алоқа вазирлигининг қарори билан Вилоят алоқа ишлаб чиқариш-техник бошқармалари (ВАИЧТБ) ҳузуридаги Ишлатиш техник алоқа бўлинмалари (ИТАБ)

линиялар қурилмалари бўлими ва Тошкент, Қўқон, Вобкент ҳамда Гулистон шаҳарларида Кабел-линиялар қурилмаларини ишлатиш бўлинмалари (участкалари), тегишли штатлар ва мосламалар билан ташкил этилди.

Қўйтош-Булунғур-Чўпонота-Тахтақорача (Ургут довони)-Қарши-Одамтош-Дарбанд-Жарқўрғон-Вахшивор-Регар (Тожикистон ҳудудида) радиореле линияси қурилди.

Нукус шаҳрида қабул қилиш ва узатиш радиостан-

русумли УКВ ЧМ радиоэшитириш узатгичлари ўрнатилди ва ишга туширилди. Кейинчалик Ўзбекистонда радиоэшитиришларни ўрта тўлқин диапазонида ривожлантириш режалаштирилган эди. Бу қадам республика ҳудудида ўрта тўлқин диапазонидаги радиоэшитиришларини синхрон равишда ташкил этишга тайёргарлик эди. Ўрта диапазон узатгичларини РТСларга ўрнатиш режалаштирилди, амалдаги ТВ матчалардан эса ўрта диапазондаги узатгич учун антенналар қуришда фойдаланиш мўлжалланди.

Шу даврга келиб, Республика алоқа вазирлиги таркибида иккита, аммо бажарадиган вазифалари ўхшаш корхоналар — Республика радио маркази (РРМ) ва Республика магистрал ва телевидение алоқа тармоқлари корхонаси фаолияти кўрсатар эди. РРМ қисқа тўлқинли алоқа ва узун, ўрта ҳамда қисқа тўлқинли диапазондаги радиоэшитириш техник воситаларини ишлатиш билан машғул эди, РМС эса телевидение ва УКВ ЧМ радиоэшитириш техник воситаларини ишлатиш билан шуғулланган.

(Давоми бор).

Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази жамоаси номидан Махаммаднорми АТАМУХАМЕДОВ, марказ бош директори

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ: Ривожланиш тарихи



СУРАТДА: Чапдан ўнга — София Губайдулина — РМС ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи; Юрий Халипов — Бухоро Реле-кабел магистраллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи; Абдумухтор Қодиров — Андижон Реле-кабел магистраллари ҳудудий бошқармасининг бош муҳандиси; Анна Спирина — РМС иқтисодий бўлими бошлиғи; Юсуполди Усмонов — РМС бошлиғи; Юрий Перегудов — Ўзбекистон алоқа вазирлиги радиобошқармасининг бошлиғи; Семён Злотников — РМС ишлаб чиқариш-техник бўлими бошлиғи.

балансидаги шаҳарлараро магистрал алоқа линиялари Республика магистрал ва телевидение алоқа тармоқлари корхонаси (РМС) балансида берилди. Магистрал алоқа линияларини ишлатиш учун РМС таркибида Кабел-

1982 йилда бўлинмалар Қўқон, Гулистон, Вобкент Реле-кабел магистраллари ҳудудий бошқармалари (РКМХБ)га айлантирилди.

1977 йили "Р-600-2МВ" русумли ускунада ишлайдиган Тошкент-Пахта-Жетисой-

цияси ишга туширилди. Узатиш станциясида бир нечта алоқа радиоузатгичлари ва узун тўлқинли диапазондаги радиоэшитириш узатгичи, қабул қилиш радиостанциясида эса радиоалоқа каналларини ташкил этиш учун бир нечта радио қабул қилиш мосламалари ўрнатилди. Шунингдек, радиоалоқа каналлари ёрдамида Тошкент шаҳри билан боғлаш учун вилоят марказларида қабул қилиш ва узатиш радиостанциялари қурилди. Бу радиостанцияларнинг ускуналари вилоят алоқа бошқармалари балансида бўлган.

1970-йилларнинг охирига келиб, Қўйтош, Лаңгар, Урганч, Нукус, Одамтош ва Жарқўрғон каби катта қувватли РТСларда иккита дастурга мўлжалланган "Дождь-2"

## Яратилган ҳисси

Ахборот технологиялари барча ривожланган мамлакатлар каби мамлакатимизда ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу эса жамият ва ёш авлод зиммасига долзарб масалаларни, яъни ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш, илғор ахборот технологиясини жорий этиш, жаҳон ахборот интеграциясига қўшилиш каби энг асосий вазифаларни юклади.

Ҳўш, Ўзбекистон ушбу соҳада ўз ўрнига эга бўла оладими? Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидори шу жабҳадаги ривожланиш учун етарлими?

Ушбу саволларимизга Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Жавоҳарлаъл Неру номидаги ўзбек-ҳинд ахборот технологиялари маркази ўқитувчиси Шриниваса Рао Мутча ва мазкур олий ўқув юртида таълим олаётган иқтидорли талабалар жавоб берадилар.

Шриниваса Рао Мутча:

— Аввало бир нарсани зўр ифтихор билан айтиш



жоизки, ушбу марказ Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида тузилган қўшма меморандумга биноан ташкил этилди. Марказнинг мақсади Ўзбекистон ёшларининг ахборот технологиялари соҳасидаги билим доираларини кенгайтириш, бу борада уларга яқиндан ёрдам беришдан иборатдир. Дарслар фақат инглиз тилида олиб бориларди. Машғулотлар давомида ўзбек ёшларининг нечоғли билимга ташна эканлигини кўриб қувонаман. Уларнинг бугунги изланиши, иқтидори Ватанининг эртаси учун хизмат қилишига ишонман.

Ўзбекистон аста-секинлик билан ўз йўлидан босқичма-босқич бориб, тараққиёт йўлини белгилаб олди. Ахборот технологияси, умуман, бошқа соҳа ривожини учун энг аввало ўша давлатда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлиши керак. Ўзбекистонда эса тинчлик

ҳимояланган. Демак, билим олиш, янгилликлар яратиш учун зарур шароитлар, имкониятлар етарли. Давлат бу борада ғамхўр. Ёшлар учун имкониятлар, эътибор катта. Талабалар бу эътиборга муносиб тарзда жавоб беришади. Мен бунга аминман. Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасида ҳам ҳали кўп муваффақиятларга эришади ва жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторидан олади. Буни билимга, изланишга чанқоқ ўзбек ёшлари нигоҳида кўриш мумкин.

Руслан Султонов, "Келажақ овози" кўрик-танлови ғолиби, "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги" кўрак нишони совриндори:



— Ҳақиқатан ҳам жуда долзарб масала ҳақида сўз бормоқда. "XXI аср — ахборот технологиялари асри" деб бежиз айтилмаган. Бу жараёнда биз — ёшлар фалол иштирок этишимиз зарур. Чунки, республикамиз аҳолисининг ярийдан кўпини ёшлар ташкил этади. Юрт бизга ишонч билан қарамоқда. Ишонччи оқлай олиш — фарзандлик бурчимиз. Ҳар бир янгилликка, кашфиётга тайёр турмоғимиз даркор. Бизнинг вазифамиз — ҳар бир очилаётган кашфиётни ўрганиш, моҳиятини тушуниб олишдир.

"Ахборот технологиясини ривожлантириш" мавзусида Япония тил маркази ўтказган тадбирда ҳам лойиҳам ва гоёларим билан қатнашдим. "Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш" мавзусида сайтлар яратдим. "Фонд-форум" жамғармаси стипендианти бўлишга муносиб деб топилдим. Бундан кейин ҳам

ўз билимимни, меҳнатимни соҳа ривожини учун йўналтиришга ҳаракат қиламан.

Искандар Раҳматуллаев, марказнинг "VEB" технологияси йўналиши талабаси:



— Ушбу марказ соҳани ўрганишимизга, унинг сир-асрорларини еча олишимизга катта ёрдам бермоқда.

Ёшларимиз ахборот технологиялари оламига босқичма-босқич, аммо шиддат билан кириб келмоқда. Мукамаллик даражасига етишимиз учун кўп изланишимиз жоиз. Лекин бу борада муваффақиятлар ва ютуқларга эришимизга, Ватанимизнинг илғор ахборот технологиялари давлатлари сафидан жой олишига ишонман. Чунки, энг муҳими, бизда интилиш ва хоҳиш бор.

Юқоридаги фикрларга таяниб айтиш мумкинки, бугунги кунда барча соҳалар каби таълим соҳасида ҳам компютер тизимларининг аҳамияти ўта юқори. XX асрда эришилган ютуқлардан энг муҳими — инсон ўз ақл-идроки, тафаккури ва иқтисодий салоҳияти билан мураккаб глобал технологияларни кашф этди. Инчунун, бугунги куннинг иқтидорли ёшлари уларни бошқариш салоҳиятига эга. Ўзбекистонда юрти тараққиёти учун хизмат қила оладиган, интилувчан ёшлар бор экан, бу соҳа тез суратларда ривожланаверади. Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Илм маёғини қўлдан қўйманг, азиз ёшлар!

Маҳфуза Йўлдошева, ТАТУ талабаси



● HAYOT SABOQLARI

**Кушларнинг** ёқимли чуғур-чуғурдан уйғониб ҳовлига чиққан Абдулқодир отанинг кўзи қўшниси Ҳақимжон томонга тушиб, “Субҳонллоҳ” деб юборди. Тонг гира-ширасида шундай кўриняпти шекилли, дея яқинроқ бориб қаради. Йўқ, кўзлари алдамаган экан. Девор ўрнида тўсилган шиферлар бир метр ичкарига — аввалги жойига олинган, унинг ортига қурилган кўйхона, товўқхоналар бузиб ташланган эди. Шу пайт икки йилдан бери гаплашмай юрган Ҳақимжоннинг ўзгача бир самимият билан салом бериши отанинг хайратини янада оширди.

— Хом сут эмган банда эканмиз, хато қилмасликнинг иложи йўқ шекилли, — деди Ҳақимжон отахон билан сўрашар экан. — Ўша пайтда тушунтирмабсиз ҳам. Икки оғиз сўз билан танбех ҳам бермадингиз.

Кўшнисининг астойдил хафа бўлаётганини кўрган отахон энди ўзи хижолат бўла бошлади.

— Эй, ўғлим, — деди у Ҳақимжонга. — Бу омонат дунёдан ҳеч ким бирор нарса олиб кетган эмас. Шу сабабли биз учун ернинг аҳамияти сезилмади.

Абдулқодир ота бомдод намозини ўқиб бўлгач, кўшнига инсоф бергани учун Аллоҳга шукроналар келтирди. Лекин унинг нима сабабдан ўзгариб қолганига ақли лол эди.

...Абдулқодир ота маҳаллага биринчи бўлиб, иморатини


битириб кўчиб келди. Уйни битирди-ю, атрофига девор қилишга шохилмади, симтўр билан ўраб қўя қолди. Аста-секин кўшнилар ҳам уйларини қуриб кўчиб кела бошлашди. Чап томонига Мўмина ая оиласи билан кўчиб келганида уйдагилар бир хурсанд

келганида Ҳақимжон отахоннинг тўнғич ўғли Собирнинг гирибонидан тутиб олган, оғзига келган ҳақоратли сўзларни қайтармасди. Абдулқодир ота шошганича келиб, унинг кучли қўлларидан ўғлини тортиб олди ва савол назари билан Собирга қаради.

кўз тикиш керакми, дада?

Ота қараса, кўшни ҳақиқатан ҳам анчагина майдонни ҳовлисига кўшиб, девор учун жўй ажратиб қўйибди. Собир отасидан ўз ҳақларини ажратиб олишни кутган эди. Отахон эса кутилмаганда Ҳақимжонга қараб:

# Кўшнининг ҳаққи



бўлишган бўлса, ўнг тарафига Ҳақимжон келганида янада кўпроқ мамнун бўлишди. Лекин...

Пешин намозидан қайтаётган отахон ҳовлисидан чиқаётган бақир-чақир товушини эшитиб, юраги ҳапқириб кетди. Қанчалик тез юрмасин қадами унмасди. У кириб

— Ҳақим акамга ҳовлилари торлик қилаётган эмиш, — деди Собир жажлини зўрга босиб. — Биз тортган симтўрни суриб, бир метрдан кўпроқ ерни ўзларига қўшиб оляптилар. Уйимизнинг лойиҳасини олиб чиқсам, отиб юбордилар. Болалар кўп бўлса, бировнинг ҳовлисига

— Ишингизни давом эттираверинг ўғлим, шу ер сизга керакми, олақолинг, — деди-ю, Собирни ва оиланинг бошқа аъзоларини уйга олиб кириб кетди. Ҳақимжон гарчи ўз мақсадига эришган бўлса-да, ўшандан бери улар билан кўшничилик қилмас, ҳатто гаплашмасди ҳам. Бугун эса...

Абдулқодир ота Ҳақимжоннинг тижоратда бирга ишлайдиган оғайнилари билан жума намозини ўқиб учун масжидга киргани-ю, у ерда кўшничилик ҳаққи ҳақида маъруза бўлгани, унда кимки кўшнисининг еридан ёки умум мулки — кўчадан ўз ҳовлисига қўшиб олган бўлса, қиёматда ўша ерни бутун оғирлиги билан кўтариб туриши ҳақида гал бўлганини, бундан кўриб кетган кўшни дарҳол девор ўрнини асл ҳолига келтириб қўйганини қаердан ҳам билсин?

Муборак МИРКАМОЛОВА

## Асалари ва қовоғари

(Масал)

Асаларининг эъозланишини кўрган, ҳасаддан куйиб, ўртаниб ёнган қовоғари унга деди: — Узинг миттигинасан, эй асалари! Нега сени одамлар бунчалик иззат-ҳурмат қиладилар, ардоқлайдилар, боқадилар? Мени эса шу гавдам билан ҳам менсимайди, қаерда кўрсалар қувиб ҳайдайдилар...



Шунда асалари унга жавобан деди: — Мен турфа, тоза, тотли гуллардан бол йиғаман. Лаззатли, биллурдек товланувчи асал тайёрлайман. Таркибда фойдали дармондорилар бисёр бўлган мўъжизакор маҳсулотимни одамларга ҳадая этаман. Шунинг учун, доимо ардоқдаман. Сен эса кўринганга ниш урасан, инсонларга озор берасан. Меҳнат қилмай, текин шарбат сўрганинг, гўнгиллаб, говго кўтариб юрганинг учун ҳеч ким сени хушламайди... Бу сўзлардан сўнг қовоғари лом-мим дея олмай учиб кетди.

Сирожиiddин ҲАЙДАРОВ, меҳнат фахрийси

## ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети қўйидаги лавозимларга танлов ЭЪЛОН қилади:

**Доцентлар:**

Фалсафа — 1, Ахборот технологиялари — 1, Компютер тизимлари ва тармоқлари — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1, Информатика — 1, Электрон тижорат — 1, Биотехник тизимлар — 1, Олий математика — 1.

**Катта ўқитувчилар:**

Ўзбек ва рус тиллари — 1, Дастурлаш технологиялари — 1, Компютер тизимлари ва тармоқлари — 1, Электрон тижорат — 1, Телематика тизимлари — 1, Фалсафа — 1, SМенежмент ва маркетинг — 1, Ахборот технологиялари — 1.

**Ассистент(ўқитувчи)лар:**


Чет тиллар — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Фалсафа — 1, Ахборот технологиялари — 1, Дастурлаш технологиялари — 1, Педагогикада ахборот технологиялари — 1, Физика — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичда қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.



Университет манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Телефон: 138-64-06.

## ХАНДАДАР



Дала-ҳовлилари ёнма-ён бўлган икки кўшнининг суҳбати:

— Варвара Василевна, сиздан кеचирим сўрамоқчи эдим, буни қаранг, товўқларим помидорларингизни чўқилаб ташлабди-я...  
— Ҳечқиси йўқ, Пётр Петрович, менинг итим товўқларингизни тиркиратиб қувиб, бир-иккитасини еб қўйди-ёв, чамамда...  
— Шунанга бўлдимми? Худди билганимдай бўлган экан, боя мен машинада ўша итни босиб ўлдириб қўйдим...  
— Машинангизни эса ҳозиргина ўрчилар ҳайдаб кетишди!..

Бир сиёсатчи ўғлига тушунтиряпти:

— Катта бўлганимда, сен ҳам менга ўхшаб сиёсат йўлини тутсанг, икки нарсани ёдингизда сақла! Биринчиси — эртага бутунгизга қараганда албатта яхши яшашларини айтиб, одамларни ишонтира олмагинг зарур. Иккинчиси — буниси жуда муҳим, одамларга нега шундай бўлмаганлигини тушунтириб бермогинг керак...



Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг орқа партада ўтирган Ҳошимжон ўрнидан турди. Ўқитувчи хайрон бўлиб сўради: — Э, сен нега ўрнингдан турдинг? — Й-ў-ў-к, унгамас, 15 дақиқадан бери битта ўзингиз тикка турибсиз, шунга с-а-а-л локулай бўлди-да...



Диққат, танлов!

# “Хабар”нинг энг зукко мухлиси

Бу йил «Хабар» газетасининг ташкил этилганлигига 15 йил тўлади. Шу муносабат билан тахририят «Хабар»нинг энг зукко мухлиси» номли викторина ҳамда кроссвордлар танловини эълон қилади.

### Танлов шартлари:

- Викторинада «Хабар» газетасига бевосита алоқадор бўлган саволлар берилади ва ҳар бир тўғри жавоб уч балл билан баҳоланади. (Агар газетамизнинг доимий ва ашаддий мухлиси бўлсангиз, саволларимиз сизга қийинчилик туғдирмайди.)

- Кроссвордлар танловида саволларга топилган ҳар бир тўғри жавоб учун бир балл берилади. (Шунинг учун бизга юбориладиган кроссвордларнинг жавоблари тўлиқ топилган бўлиши шарт эмас. Бироқ танловда галаба қозониш учун унинг саволларига кўпроқ жавоб топиш лозим.)

Викторина ва кроссвордлар танлови 2007 йилнинг 2 мартигача давом этиб, жавоблар жорий йилнинг 12 мартига қадар қабул қилинади.

Танловларда фаол қатнашган ҳамда доимий равишда тўғри жавоблар йўллаган мухлисларнинг исм-шарифлари ва улар тўплаган баллар газетада эълон қилиб борилади. Шу сабабдан, газетамиз қўлингизга етиб бориши билан бизга жавоб йўллашга ҳаракат қилинг. Хатларингизда исм-шарифингиз ва манзилингизни аниқ кўрсатинг. Имкони бўлса, телефон рақамларингизни ҳам ёзиб юборинг.

Ғолиблар газетамизнинг 16 мартдаги сониди эълон қилинади ва улар тахририятнинг махсус мукофотлари билан тақдирланадилар.

Мақтубларингизни 700060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй — «Хабар» газетаси тахририятига жўнатиш.

Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган муштарийларимиз учун e-mail: orif@infonet.uz ҳамда xabar@uzpak.uz Факс: 136-36-42.

## ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

1. «Хабар» газетаси қайси санадан бошлаб чоп этила бошлаган?


- а) 1992 йил, 1 март;
- в) 1992 йил, 21 март;
- с) 1992 йил, 1 сентябр.

2. Газетамизнинг шиори қайси буюк шоир қаламига мансуб?

- а) Лутфий;
- в) Навоий;
- с) Бобур.

3. 2002 йили эълон қилинган «Қарияли уй – баракали уй» танловида кимлар ғолиб деб топилган?

- а) Асқар Истамов, Тўланбой Қамчиев;
- в) Усмонжон Йўлдошев, Раҳимжон Болтабоев;
- с) Нуртожи Зиёев, Шарифа Мадрахимова.



## “Зарбулмасал” Кроссворди

**БҮЙИГА:** 1. Ҳаёт. 2. Қозғистондаги дарё. 3. Тожикистондаги шаҳар. 4. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 5. Ҳаёт ва тирлик табиат ҳақиқиди фан. 7. Республикамиздаги вилоятлардан бири. 8. Суд ҳарори, ҳукми. 11. Германиядаги шаҳар. 12. 819-856 йилларда Яқб ибн Асад Сомоний ҳукмронлик қилган қадимий давлат. 14. Металл ип, ришта. 15. Ўзбекистон телерадиоканалида намойиш этилаётган кўрсатувлардан бири. 21. Қора денгиз бўйидаги машҳур оромгоҳ. 24. Буюк олим ва давлат арбоби. 28. Муосий нота. 29. Хотира, ақл, онг, мия. 34. Танада рўй берадиган нуқсонларни даволовчи шифокор. 35. XX асрнинг энг зарарли ихтироси деб эътироф этилган гўдаклар кийими. 37. Шаҳар транспорти. 38. Европадаги пойтахт. 39. Санта... мусобақаси. 40. Ўзбек уруғларидан бири. 41. Оёғи қисқа, тирноғи узун сутэмизувчи ҳайвон. 46. Башорат, рўй. 47. Ўрта Осиёдаги дарё. 50. Ўзбек телесериали. 51. Ўзбек фольклорчиси. 54. Самолёт русуми. 55. Товуш. 57. Ойбек Вейсал ўғлининг кўрсатувчи номи. 58. Ўзбек мумтоз шеърлатидаги бадий-таъсирий воситалардан бири. 61. Илм маскани. 64. Математика. 66. Мамлакатимиздаги металлургалар шаҳри. 69. Жимжитлик. 71. Қуш аъзоси. 75. Мотоцикл русуми. 77. Баҳодир, кўркмас.

**ЭНИГА:** 3. Кимёвий унсур. 6. Қучли рухий ҳолат. 9. Юлдуз туркуми. 10. Баҳор гули. 13. Қир. 14. Гулҳаний қаламига мансуб асар. 16. Аллоҳнинг қўли. 17. Асбоб-ускуна. 18. Франциядаги шаҳар. 19. Шейър вазин. 20. От боласи. 22. Отиш жойи. 23. Зий, ёруғлик. 25. Физиологик атама, шаффоф суюқлик. 26. Қайиқ анжони. 27. Догистонда яшовчи халқ. 30. Учинчи ҳокимият. 31. Доминий ашил дароҳт. 32. Мадҳия, мактов. 33. Сутэмизувчи ҳайвон. 36. Халқасимон детал. 39. Цеткинни машҳур қилган исм. 42. Шарқ кўкакураши устаси. 43. Қобалтнинг қисқартма шакли. 44. Берди Қарбабаев ватани. 45. Самолёт русуми. 48. Ғовур-ғувур, шов-шув. 49. “Морена Клара” телесериали қаҳрамони. 60. Тиргак, таянч. 53. Шейрий парча. 55. Халқ, эл. 56. Ишора. 59. Микроавтобус русуми. 60. Яққа, яғона. 62. Субҳудам, азон. 63. Буюк инсон. 65. Қасам. 66. Инсон аъзоси. 67. Кимёвий унсур, металл. 68. Хўл мева. 69. Мучал йили. 70. Сой, жилга. 72. Швеция ва Норвегия худудидаги тоғлар. 73. Республикамиздаги пойабзал ишлаб чиқарувчи қўша қорхона. 74. Судралувчи жонивор. 76. Финлар ҳаммони. 78. Шаҳар транспорти. 79. Мамлакатимизда чоп этиладиган нашр.



ALOQA KORXONALARIDA

Ўтган йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан алоқа соҳасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун “Энг яхши шароит яратган корхона” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

# Таянч

Ушбу қарорда вилоятлар бирлашган касаба уюшмаларида спорт инструктори лавозимлари жорий этилиши ҳам кўзда тутилган. Бу қарор Самарқанд вилоятида ҳам соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларида спорт-соғломлаштириш ишларини сезиларли даражада жонлантириш имконини берди.

Вилоят алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарида кўрик-танлов талабларининг бажарилиши йил давомида назоратга олинди. Жумладан, «Самарқанд Телеком», «ЎЗИ-Самарқанд» филиалларида, вилоят радиотелевизион узатиш маркази, «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг Самарқанд боғламасида кўрик-танлов талабларини бажариш бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилди. Йил давомида вилоят микёсида учта спартакиада ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир филиал, корхона ва ташкилотда спартакиадларнинг 1 ва 2-босқичлари ўтказилиб, голиблар аниқланди. Албатта, ушбу тадбирларни ижобий амалга оширишда Агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим омил бўлди.

Спорт-соғломлаштириш масаласида, айниқса, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиалида амалга оширилган ишлар мақтовга сазовордир. Мазкур филиал бошқаруви жойлашган бинодаги бўш ётган катта зал спорт машғулоти ўтказишга мослаштирилиб, қайта таъмирланди. Зал қатор спорт-саломатлик ва стол тенниси, шахмат ва шашка, бадминтон мажмуалари билан таъминланиб, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари замонавий шаклда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу ернинг ўзида ёзги волейбол майдончаси барпо этилди.

Бундан ташқари, филиалнинг барча тармоқлари ва Самарқанд шаҳар центрида ҳам бўш ётган бинолар таъмирланиб, спорт анжонлари билан жиҳозланди. Энг асосийси, бу анжонлардан ходимларнинг соғликларини мустаҳкамлаш йўлида тўғри фойдаланишига катта аҳамият берилмоқда. Филиалнинг бир гуруҳ ходимлари томонидан йил якунида ишчиларда спорт соҳасида қандай кўникмалар пайдо бўлганлигини ўрганиш учун

спартакиада ўтказиш таклифи тушганда, бу таклифни филиал раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитаси қўллаб-қувватлади. Декабр ойида стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақалар кейинги пайтда ходимларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор бераётганларини кўрсатди. Спартакиада якунида голиблар ва спорт билан шуғулланиш учун яхши шароит яратиб берган раҳбарлар муносиб тақдирландилар. Энг асосийси, бундай ташкилий ишлар жамоаларда жипсликка эришиш, уларнинг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Филиал раҳбарияти 2007 йилда ҳам бу хайрли ишларни давом эттиришни режалаштирган. Шу билан бирга, вилоят алоқачилари Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»-ги қарори асосида маданий-маърифий ишлар хоналарини китоблар ва бошқа воситалар билан жиҳозлашни, ходимлар ўртасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришни дастуриламал қилиб олишган.

Бу ишларнинг олиб борилиши, албатта, ходимларда ҳам жисмонан, ҳам ғоявий кўникмаларни мустаҳкамлайди. Ҳар жиҳатдан етук ходимлар аса нафақат ўз корхонаси, балки мамлакатимиз, жамятимиз таянчидир.

Йил давомида вилоят микёсида учта спартакиада ўтказилди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,  
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

@ e-mail: SO'RAGAN EKANSIZ

## СПОРТ-2007: НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

Хурматли таҳририят!

“Хабар”нинг 2006 йил, 51-сонида таниқли спорт мутахассиси Суннат Абдуғаниев билан уюштирилган суҳбатни ўқидик. У киши 2007 йил режалари ҳақида тўхталиб, феврал ойида Фарғонада кўча кубок мусобақалари бўлиб ўтади, деганлар. Шу мусобақада кимлар қатнашади? Вилоят алоқа корхоналари ҳам иштирок этадими?

“Қашқадарё Телеком” филиалининг Косон телекоммуникациялар боғламаси жамоаси xusanov.abduaziz@rambler.ru

Ушбу саволга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Суннат АБДУҒАНИЕВ жавоб беради:

— Феврал-март ойларидаги мини-футбол бўйича кўча кубок бахслари Фарғонада эмас, балки пойтахтда ўтказилади. Унда “Ўзбектелеком” АК кубогини қўлга киритиш учун компаниянинг Тошкент вилояти ва шаҳрида жойлашган филиаллари жамоалари кураш олиб боради. Бу мусобақалар тугагунга қадар Агентлик тизимига кирувчи компаниялар, корхона ва ташкилотлар раҳбар-ҳодимлари ўртасидаги мини-футбол мусобақаларининг ўтказилиш мuddатларига ҳам ойдинлик кириб қолади.

Сиз Агентлик ва соҳа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши кўча кубоги учун ўтказиладиган мини-футбол беллашувларида ўз кучингизни синаб кўришингиз мумкин. Чунки, унда барча вилоятлардан жамоалар қатнашади. Бу мусобақаларнинг ҳудудий босқичи май-июн ойларида бошланиб, ёз бўйи давом этади. Янги кубок соҳиби сентябр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган финал босқичида аниқланади.

Умуман олганда, 2007 йили жуда кўп рақиб спорт мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Масалан, уч босқичли соҳа спартакиадаси апрел ойида бошланиб, сентябрга қадар ўтади. Спартакиада таркибига қайси спорт турлари киритилиши Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ишчи гуруҳи томонидан Ижтимоий Ҳимоя йилини муносиб ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлар доирасида кўриб чиқилади.

Шунингдек, Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг “Энг яхши бошланғич касаба уюшмаси” кўрик-танлови доирасидаги мусобақалар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши тизимидаги корхона-ташкilotлар жамоалари ўртасида спартакиада ҳамда бошқа бир қатор катта ва кичик спорт тадбирлари бўлиб ўтади.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мухтарам газетхонлар! Сиз ҳам ўзингизни қизиқтирган барча саволлар билан бизга мактуб йўллашингиз ёки газетамизнинг электрон почтаси (orif@infonet.uz)га мурожаат қилишингиз мумкин.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин



Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг катта ўқитувчиси Умида Каримова онаси  
**Ҳожия МАҲКАМОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг “Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари” кафедраси профессори В.М.Сонга рафиқаси  
**Лариса Владимировна КАННИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Хабар” газетаси жамоаси таҳририятнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Ҳафиза Саляховага падари бузруқвори  
**АСҚАР отанин**г вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомаансур ОБИДҲҲАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Равшанбек СУЛАЙМОНОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —  
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрловчи Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

50-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табақ.  
Алаи: 11487 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақланганлиги.  
Саҳифаловчи: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Матн тереувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



## ● MASHHURLAR HAYOTIDAN

## ● FILATELISTLAR BURCHAGI

Ҳар бир юртнинг ўз тарихий қаҳрамонлари бор. Ўша қаҳрамонлар билан юртдошлари гурурланишади. Улар ҳақида турли асарлар ёзилади. Италия ҳақида гап кетганда эса кўз олдимизда Юлий Цезар намён бўлади. Чунки қудратли Италия тарихида бу атоқли давлат арбобининг ўрни беқиёсдир. Ҳарбий соҳанинг устаси бўлган жасур саркарда Римни ўз империясининг марказига айлантирганди.

## Фитна қурбонига айланган

# ИМПЕРАТОР

Юлий Цезар милoddan аввалги 100 йили Римда киборлар оиласида дунёга келди. У ўн етти ёшида ўз даврининг машҳур давлат арбоби саналган Райс Синнанинг қизи Карнелияга уйланади. Аммо бу никоҳга қарши чиққан Римнинг ҳукмдори Лусус Сулла Цезарга хотини билан ажрашишни буюради. Юлий эса бу талабни рад этиб, фалсафа ва нотикликдан сабоқ олиш учун Грецияга жўнаб кетади.

Бироз вақт ўтгач, Сулла ундан узр сўради ва Цезар яна Римга қайтди. Юлий ва Карнелия ягона фарзандлари — Жулияни тарбиялай бошлади. Шундай кунларнинг бирида, милoddan аввалги 68 йилда Карнелия қутилмаганда ҳаётдан кўз юмди. Бу Цезарни бирмунча доводиратиб қўйди. Қаттиқ қайғуда бўлишига қарамастан, Цезар душманлари олдидан қаддини тик тутушга уринди ва яна давлат ишларига шўнғиди. У турли тadbирларни уюштиришда ўз ҳисобидан маблаг сарфлаб юборарди. Гарчанд қарзга ботаётган бўлса-да, шу йил билан халқнинг меҳрини қозона бошлади. 62 йилга келиб, у давлатнинг асосий кишисига айланган улгурди.

Уша йилларда римлик сийсатчи Кетилин давлатга қарши фитна режасини тузади. Режага биноан, шу даврининг кўзга кўринган зодагон сийсатчилари, давлат арбоблари халқ олдидан шармандаи шармисор қилиниши керак эди. Рўйхатга Цезар ҳам киритилганди, лекин Кетилин унинг сийсатчи мавқеидан чўчиди.

Милoddan аввалги 60 йилда Юлий Цезар давлатни бошқаришда катта кучга эга бўлган Красс ва Помпей ўртасида иттифоқ низомини тузди. Красс ўша даврда кўзга кўринган сийсатчи, Помпей эса давлатнинг ҳарбий кучларига раҳбар эди.

Юлий Цезар 59 йилда консул этиб сайланди. Сўнгра давлатнинг учта шимолий вилоятида дипломатик ишларни олиб борди. Бир йил ўтиб-ўтмай, у Лусуснинг қизи Калпурнига уйланди. Помпей эса Цезарнинг қизи Жулияга никоҳланди.

Цезар давлат миқёсида янада кучли мавқега эга бўлиши учун ўзига ғалабарлар кераклигини яхши биларди. Шу боис ҳам 58 йилда Францияга қарши жангга отланди. У ерда ўтказган тўққиз йиллик умри давомида атиги икки мартагина ғалабани бой бергани унинг ҳарбий қобилиятидан далolat эди. Цезар ўз режаси бўйича барча ҳудудларни босиб олди.

Милoddan аввалги 55-54 йилларда Британияга ҳам уруш эълон қилди. Қўлга киритилган ютуқлар эса Цезарни машҳурлик суласига кўтарди. Унинг шарафига катта-катта зиёфатлар уюштирилди, ана шу зиёфатларда ўтирганлар орасида унинг ғалабасини кўролмайдиган ҳасадгўйлар ҳам пайдо бўла бошлади. Улардан бири — куёви Помпей ҳатто консерватив кучлар билан иттифоқ тузишгача борди ва улар Цезарнинг армиядан воз кечишни талаб қилиб чиқиди. Оқибатда ўртадаги низо жангга айланиб кетди. Бу қиргинбарот милoddan аввалги 48 йилда бўлиб ўтди. Цезарга қаршилар Помпей тарафига қўшилди. Бу жанг ҳам Цезар ғалабаси

билан якунланди ва у Италиянинг яккаюгона ҳукмдорига айланди.

Милoddan аввалги 47 йилда у Рим империясини тузади ва ўша йили Грецияга сафар қилди. Йўлда эса уни Помпей кўшинлари кутаётган эди, аммо кучли зарбадан сўнг, Помпей Мисрга қочишга мажбур бўлди. Цезар низолаarga чек қўйиш учун унинг изидан борди, бироқ унга Помпейнинг ўлдирилганини айтишди. Цезар худди шу ерда Миср маликаси Клеопатрани учратди...

Римга қайтиш олдидан Цезар Мисрга қарши уруш қилди. Ғалабани қўлга киритгач, Клеопатрани Миср ҳукмдори этиб тайинлади. Кейинчалик император уни Римга олиб келди.

Помпей издошлари энди Цезарга қарши яширин ҳужумга ўтдилар. 44 йилда улар император ҳаётига суиқасд уюштиришди. Сенат мажлисига кириб келаётган Цезарга фитначилар тўдаси ҳужум қилиб, унинг йигирма жойидан яралдилар. Ҳеч ким енга олмаган, мағлубият нималигини билмаган Римнинг якка ҳукмдори умрига шу зайдда нукта қўйилди. Юлий Цезар тарихда нафақат шох, балки бир қатор кашфиётлар муаллифи сифатида ҳам танилган. Жумладан, у биринчи бўлиб тақвим яратган олимдир.

Иzzат АХМЕДОВ тайёрлади

## 2001 йилда чиқарилган почта маркалари

294. "Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги" почта блоки. 2001 йил 20 июн. Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ.

Почта блоки Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган. Блок маркасидаги "10" рақами ҳозирги замон меъморий ансамбли билан уйғуллиқда берилган. Расм тагида юбилей матни ёзилган. Блок хошиясида "Ўзбекистон" сўзи ёнида Ўзбекистон байроғи ва Давлат герби тасвирланган. Миллий нақш билан безалган.



Блок бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Ўлчами 70x90 мм. Блокдаги марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.

## ● ОБУНА — 2007

### УЛГУРМАГАН БЎЛСАНГИЗ...

Газетамизнинг 2007 йил 12 январдаги 2-сонида жорий йил учун «Xabar»га расмийлаштирилган обуна бўйича маълумотлар жадвали чоп этилган эди.

Яқинда "Матбуот таркатувчи" АКнинг обуна бўйича мутахассислари тахририятимизга қўнғироқ қилишиб, 1 январда «Xabar»га "Қашқадарё Телеком" филиалида 100 дона, яқна тартибда эса 5 дона бир йилга обуна қилинганлиги тўғрисида қўшимча маълумот беришди. Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг январ ойида «Xabar»га жами обуна сони 929тани ва йил якунида эса 161тани ташкил этади. Бу ҳақда янаям аниқроқ маълумот олиш мақсадида Агентликнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси билан телефон орқали боғланганимизда, бошқарма бош мутахассиси Бахтиёр Авлиёқулов «Xabar»га обуна ҳозир ҳам қизгин кетаётганини, жумладан, "Экспресс-Курер" МЧЖ томонидан ТАТУ Қарши филиалидан газетамизга 19 дона обуна уюштирилганини, бу борадаги барча маълумотлар тўлланиб борилаётганини маълум қилди.

Газетамизга обуна бўлишга улгурмаганлар учун ҳали фурсат бор. Чунки, обуна йил бўйи давом этади...

ТАХРИРИЯТ

## ● FOTOMUXBIR NIGOHIDA



Солиҳ ЗОИР олган сурат

### Табриқ қилди!

«ЎИ-Самарқанд» филиали жамоаси корхонанинг молиявий ишлар бўйича директори Норбой ПРИМОВНИ кутлуг 50 ёши билан табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва ишларида омад тилайди.

Хоразм радиотелевизион узатиш маркази жамоаси цех бошлиғи Иброҳим НАЗАРОВНИ муборак 60 ёши билан кутлайди. Унга узок умр, бахт-саодат ва оиласи даврасида доимо соғ-саломат юришини тилаб қолайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиали жамоаси корхона бош ҳисобчиси Мубина БЕШИМОВАНИ туғилган кунин билан қизгин кутлайди. Унга узок умр, сийхат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида омад бр бўлишини тилайди.



Кибернетика, ахборотлаштириш ва ҳаёт... Кибернетика фани ва унинг моддий базаси бўлган ЭХМнинг келиб чиқиши, ўз навбатида, автоматлаштирилган бошқарув системаларини ишлаб чиқишга ундади...